O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2011-yil 9-sentyabr • №37 (4124)

ЕРГА БОҒЛАНГАН МЕҲР

Нон ўрнини дунёдаги ҳеч бир неъмат босолмайди. Кунига ош есангиз, меъдангизга тегади. Нон эса ҳеч қачон бадингизга урмайди. Нон — дастурхонимиз кўрки, фаровон ҳаётимиз белгиси. Нуроний отахону онахонларимиз дуога қўл очиб, "Уйинг буғдойга тўлсин!" дейишади. Шукрки, бу азиз неъмат юртимизда сероб. Бу сахий заминимиз, серқуёш юртимиз, заҳматкаш деҳқонларимизнинг меҳнати туфайлидир.

Ватан учун яшайлик!

Болалигимда онам тандирдан иссиқ нонларни узиб олаётганда ёнига бориб турардим. Шунда ёпилган кулчалардан бирини қўлимга тутқазар, мен уни укаларим билан муздек сувга ботириб ердим. Онам қачон хамир қорса, ҳар биримизга алоҳида-алоҳида кулча ясар, биз ҳам одатимизга кўра тандир атрофида гирдикапалак бўлардик.

Мана, орадан қанча йиллар ўтди. Ҳалигача ўша нон таъми оғзимдан кетмайди. Болалигим тошга муҳрлангандек хотирамда сақланиб қолган. Отам деҳқон эди. Эрта баҳордан то ерга қор тушгунча далада ишларди. Ғалла ва полизни экиб-тикиб, ҳосилини йиғиштириб давлатга топширгунча тиним нималигини билмасди. Лекин уйимизда ҳеч қачон қоплаб буғдой турмаган, отам ўзи етиштирган қовун-тарвузни ҳам эмин-эркин олиб келмаган. Шунга қарамасдан, "Сапхўзнинг ҳар бир даласига пешона терим томган", деб отам ўзгача ғурур билан гапирарди.

Энди ўйлаб қарасам, отам ҳам, бобом ҳам, хуллас етти пуштимиз ерга боғланган. Мўйсафидлар бобомнинг отасини "қўшни яхши ҳайдарди", бобомнинг ўзини "ўроқ солишга уста эди", дейишганини эшитганман. Албатта, буни кимдир ўз кўзи билан кўрган, кимдир гурунгларда айтган. Шу-шу оғиздан-оғизга ўтган.

Мен туғилиб ўсган қишлоқ Ғаллаорол туманидаги Ғўбдин тоғлари бағрида жойлашган. Сойликларда булоқлар бор. Шу боисдан бўлса керак, қачонлардир одамлар келиб ўрнашган. Ўнлаб қишлоқларнинг номи бегона қулоққа эриширок туюлса-да, бир-бирига ҳамоҳанг: Каттасой, Кичиксой, Толлисой... Тоғ этаклари лалмикор далаларга туташ. Асосан бошоқли дон экилади. Бу ҳудудда умргузаронлик қилаётган одамларнинг аксарияти деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Лалимикор ерда яшаётганлар яхши билади: бу икки соҳа йилнинг қандай келишига боғлиқ. Ўз тиллари билан айтганда, "Осмонга кўз тикканмиз, бизга нима берса, Худо осмондан беради", дейишади. Бунинг маъноси қишда қор мўл, кўклам серёғин бўлса, дала-дашт яшнайди. Экин-тикиндан яхши ҳосил олинади, демак, чорва учун ҳам озиқ сероб бўлади. Тўй-томоша кўпаяди. Йил мундайроқ келган вақтлари ғалладан барака қочади, дағал хашак тез сарғаяди. Булоқлар суви камайиб қолади. Шундай кезларда рўзғори чорва ва буғдойга қараган одамлар ташвишга тушади.

Давоми иккинчи саҳифада.



ЯНА БИР СПОРТ БАЙРАМИ

...Ота тўнғич фарзандининг илк хатти-ҳаракатлари ҳақида тўлиб-тошиб сўзлар экан, "Қизимни келажакда, албатта, гимнастикага бераман" деди. Қишлоқдошимнинг бу гапидан "Қиз бола ўқиб, спортчи бўлганида дунёни олиб берармиди" дейдиганлар ҳайратдан бармоғини тишлаши тайин. Ҳа, бугунги кунда спортнинг роли тобора ошиб, турмуш тарзимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётгани бизни қувонтиради.

Дарҳақиқат, спорт баркамол авлод тарбиясида муҳим ўрин тутиш билан бирга, юртимиз довруғини ҳам дунёга таратмоқда. Қад ростлаётган кўркам ва замонавий спорт иншоотлари эса шаҳару қишлоқларимизнинг жамолига ўзгача бир чирой қўшиб, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ва самарали ўтказишга хизмат қилмоқда. Ёшларимиз ўзлари танлаган спорт турлари бўйича ўтказилаётган беллашувларда ғолиблик шоҳсупасига кўтарилиб, халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя этишдек бахтга мушарраф бўлишмоқда.

Бугун спортга, шу жумладан, бадиий гимнастикага қишлоқ қизларининг ҳам қизиқиш билдираётгани эътирофга лойиқ. Ҳозирда терма жамоамиз аъзолари Ульяна Трофимова, Жамила Раҳматова, Замира Санақулова, Азиза Мамажонова, Ҳусниябону Ғуломова сингари қизларнинг жаҳон майдонларидаги чиқишлари кишини ғурурлантирса, улардан ўрнак олаётган бўлажак жажжи гимнастикачиларимиз олдига улкан орзу-мақсадлар, вазифалар қўяди.

Пойтахтимизнинг Универсал спорт саройида ўтказилган Жаҳон кубоги босқичи мусобақаси ва "Happy Caravan" ("Қувноқ карвон") халқаро турнири қизларимизнинг ўзига бўлган ишончини яна бир бор синовдан ўтказди, шу билан бирга спорт ихлосмандлари ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. Ўн саккиз давлатдан кучли вакиллар иштирок этган спорт байрами чинакам баҳс, қизиқарли чиқишларга бой тарзда якунланди.

Жаҳон кубоги босқичи беллашувида кўпкураш мусобақаси бўйича биринчи ўрин россиялик Дарья Дмитриевага насиб этди. У тезкорлиги, чақконлиги, чиройли хатти-ҳаракатлари билан мутахассислар ва томошабинлар эътиборини ўзига қаратди. Кумуш медални ҳам Дарьянинг ҳамюрти Александра Меркулова қўлга киритди. Беларуслик Любовь Черкашина бронза медали билан тақдирланган бўлса, ўзбекистонлик Ульяна Трофимова тўртинчи ўринга лойиқ топилди. Айтиш жоизки, мусобақа давомида Ульяна булава ва тасмада машқ бажаришда юксак маҳоратини намойиш этиб, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган эди.

"Happy Caravan" халқаро турнирида гимнастикачимиз Анастасия Сердюкованинг кўпкураш ва булавада машқ бажариши қумуш, лента билан кўрсатган ажойиб чиқишлари бронза медали билан тақдирланди. Ғолиблик эса россиялик Юлия Синициновага насиб этди. Беларуслик Елена Болотина учинчи ўрин соҳибаси бўлди.

Барча мусобақалар якунига кўра бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги Россия федерацияси жамоасига топширилди.

Умид қиламизки, 17 сентябрда Францияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида қизларимиз бундан-да юқори кўрсаткичларга эришиб, юртимиз байроғини баланд кўтаради.

Нафиса ИСМАТУЛЛАЕВА

Суратда: ўзбекистонлик Ульяна Трофимова бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи кўпкураш мусобақаларида тўртинчи, булавада машқ бажариш бўйича иккинчи ўринни қўлга киритди.

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ҒАРБДА — РИМ, ШАРҚДА — САМАРҚАНД

Юртимиздаги барқарор тинчлик, тотувлик, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги изчиллик, халқаро масалаларда холислик ва қатъийлик мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги обрў-эътиборини тобора юксалтирмоқда. Бу эса Ўзбекистонда турли анжуманлар, хусусан Самарқандда "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг мунтазам ўтказилишида муҳим омил бўлмоқда.

Президент томонидан фестивал ўтказиш ғояси ўртага ташланишининг ўзи ноёб ҳодиса эканини бу йил фестивалнинг саккизинчи марта кўтаринки руҳда ўтказилгани яққол исботлаб турибди. Ҳали дунёнинг ҳеч бир мамлакатида бундай тадбир ўтказилаётгани йўқ. Фестивал миқёси йилдан-йилга кенгайиб, бугунги кунда ер юзининг деярли барча ҳудудларини қамраб олди. Дунё санъаткорлари бундай мусиқа байрамида қатнашишни шараф деб билмоқдалар. Мазкур фестивалнинг ЮНЕСКО халқаро маданий тадбирлари дастурига киритилгани ҳам анжуманнинг юксак мавқеидан далолатдир.

"Умрим давомида кўплаб маданият форумларида, мусиқа танловларида бўлганман, — деган эди покистонлик таниқли композитор ва артист, биринчи фестивалнинг фахрий меҳмони Аршад Маҳмуд. — Мени бу ерда ҳамма нарса ҳайратга солди. Юксак маҳорат билан ташкил этилган тантанали очилиш маросими, меъморий ёдгорликлар, шаҳарнинг ўзи, самарқандликлар, тадбир қатнашчилари — ҳаммаси ажойиб! Ишонч билан айтаманки, Ўзбекистон катта истиқболга, буюк келажакка эга бўлган давлат... Мусиқий фестивал эса сизнинг миллий шарқона мусиқангизни бутун дунёга машҳур қилишига ишонаман".

Шундай бўлди ҳам. Минг йиллар давомида миллионлаб одамларни кўрган Регистон ўтган фестивалларда ўз халқи маданий меросини намоён қилган санъаткорлар учун муқаддас жой бўлиб қолди. Фестивал қатнашувчилар, мамлакатлар ва санъаткорлар ҳамда меҳмонлар ҳисобига тобора кенгайиб, юксак савия касб этиб бормоқда. Агар илк фестивалда бармоқ билан санарли журналистлар қатнашган бўлса, бу гал ўнлаб журналистлар, киночилар, операторлар иш олиб борди.

"Юртингизда биринчи марта бўлишим, — дейди журналист-оператор Кетелис Крунослав. — Хорватиядан учиб келдим. Загреб ва Чех телевидениеси учун репортажлар тайёрладим. Россия, Хитой, Белгия, Озарбойжон, Туркия, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Франциядан келган ҳамкасбларим каби бу бетакрор тарихий томошанинг ғаройиб дақиқаларини лентага муҳрламоқчиман".

Ҳар бир фестивал янги-янги номларни, турли халқларнинг ўзига хос санъатини кашф этиб келяпти. Санъатлар қанчалик турли-туман бўлмасин, ҳаммаси соф инсоний муҳаббат туйғуларини ўзида акс эттиради ва шуниси билан барчага тушунарлидир.

Давоми бешинчи саҳифада.

ВАТАННИ КУЙЛАШ САОДАТИ

Ёзувчилар уюшмасида

Эзгу ният билан қўлига қалам олган ижодкор учун Ватанни куйлаш, юрт озодлиги ва ўз халқининг миллий қадриятларини тараннум этиш саодати энг муқаддас бурч саналади. Озодлик, миллий ғурур ва ифтихор мавзуларида ижодкорлар ҳамиша ҳам озод ва эмин-эркин куйлай олмаганлар. Ватан ва миллат учун жон фидо этган адиблар қисматига тарих гувоҳ... Не бахтки, Истиқлол ижод аҳлига сўз эркинлигини берди, Ватанни баралла куйлаш шарафини инъом этди.

Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси она диёримизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, улуғвор янгиланишлар, замондошларимизнинг ёрқин сиймолари ўз аксини топган, юксак маҳорат билан ёзилган энг сара бадиий-публицистик мақолалар, очерклар, насрий ва шеърий жанрлардаги энг яхши асарлар учун танлов эълон қилган эди. Ушбу танловда устоз ёзувчи-шоирларимиздан тортиб умид билан қалам тебратаётган истеъдодли ёшларгача — барча ижод аҳли фаол иштирок этди. "Ватан учун яшайлик!" рукни остида эълон қилинган бадиий-публицистик мақолалар, очерклар, шеърий ва насрий асарларда муаллифларнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги улуғвор ўзгаришларга муносабати, ижодкорнинг фуқаролик позицияси ўз аксини топди. Юртимиз ободлиги, миллий қадриятларимиз ва ёш авлод камоли, миллий ғурур ва ифтихор, Ватан туйғуси, Истиқлол ғоялари жонли ҳаётий мисоллар, теран фалсафий мулоҳазалар ёрдамида юксак бадиий маҳорат билан тараннум этилган асарлар танлов якунида ғолиб деб топилди ва ғолиблар рўйхати матбуотда эълон қилинди. Ёзувчиларнинг Дўрмон ижод уйида мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилган байрам тадбирида "Ватан учун яшайлик!" танлови ғолибларига мукофотлар топширилди. Тадбирни Ёзувчилар уюшмаси раиси Бобур Алимов очди. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма йиллиги арафасида давлат мукофотлари билан тақдирланган адибларни, шунингдек, уюшма аъзоларини байрам билан табриклади.

Мукофотланганлар номидан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов сўзга чиқиб, адабиётимизга кўрсатилаётган юксак эътибор учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирди.

Шахмат ишқибози бўлган ижодкорлар гурунгни шатранж тахтаси устида қизғин давом эттиришди. Улар орасида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовдан тортиб, турли жанрларда қалам тебратаётган шоиру адиблар, адабиётшунос олимлару мунаққидлар, бош муҳаррирлару ёш муҳаррирларни учратиш мумкин эди. Тун чироғи ёруғида якун топган қизғин дона суришлардан сўнг ёзувчи Шодмон Отабек биринчи, шоир Насриддин Муҳаммадиев иккинчи, мунаққид Иброҳим Ғафуров учинчи ўринни қўлга киритди.

Ўз мухбиримиз.

АНДИЖОНДА ИЛМИЙ АНЖУМАН

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва раҳнамолигида халқимизнинг қадимий ва бой тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, улуғ аждодларимиз сиймоларини абадийлаштириш, уларнинг бебаҳо меросини том маънода эл-юртимизнинг маънавий мулкига айлантириш ва бутун дунёга тарғибу ташвиқ қилиш мақсадида юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Бобур номидаги жамоат фондининг фаолияти ибратлидир. Фонд томонидан кейинги 20 йил мобайнида бир қатор тарихий ишлар амалга оширилди. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб "Соҳибқирон Амир Темур қадамжолари бўйлаб" мавзуида навбатдаги илмий сафар уюштирилгани ва сафар мобайнида буюк Соҳибқирон бобомиз билан боғлиқ тарихий ёдгорликлар ва бир қатор манбалар ўрганилгани ҳам хайрли ишлардан бири бўлди.

2004 йилда бебаҳо маънавий меросимиз саналмиш "Бобурнома"нинг испан тилига ва 2011 йил озарбойжон тилига қилинган таржималари Президентимиз Ислом Каримов томонидан "Бобур ва жаҳон маданияти" китоб музейига туҳфа қилинишида ҳам улуғ аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини, бой меросини ўрганиш, уларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ёш авлодни юксак маънавият руҳида тарбиялаш борасидаги эзгу ишларни амалга ошириб келаётган вилоят зиёлилари, бутун Андижон аҳлига бўлган улкан ҳурмат ва эътибор мужассамдир.

Кеча Андижон шаҳрида вилоят ҳокимлиги ва Бобур номидаги жамоат фонди ташаббуси билан яна бир хайрли тадбир ўтказилди. "Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг "Тарихи Рашидий" асарининг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни" мавзуида ўтказилган халқаро илмий анжуманда ўзбекистонлик ва хориждан келган таниқли олимлар иштирок этди. Анжуманда Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Азиз Қаюмовнинг "Тарихи Рашидий"да Навоий, Жомий ва Бобурга оид маълумотлар", япониялик олим, Киото университети профессори Эйжи Манонинг "Бобур подшоҳ ва Ҳайдар Мирзонинг ўзаро муносабатлари", Индира Ганди номидаги Ҳиндистон Миллий санъатлар маркази профессори Мансура Ҳайдарнинг "Ҳайдар Мирзо ва унинг "Тарихи Рашидий" асари ҳақида мулоҳазалар", Боку давлат университетининг профессори, "Бобурнома"нинг озар тилига таржимони Рамиз Аскернинг "Бобур ва Озарбойжон", қозоғистонлик олим Ислом Жеменейнинг "Тарихи Рашидий" таржималари ҳақида" каби илмий маърузалари катта қизиқиш билан муҳокама этилди.

Анжуман давомида Бобур меросини ўрганиш, тарғиб этиш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бадиий ижодда буюк аждодимиз сиймосини юксак бадиий даражада яратгани учун Гарвард университети профессори (АҚШ) Вилер Текстон, Боку давлат университети профессори Рамиз Аскер, ўзбекистонлик олимлар Ғафуржон Сотимов, Янглиш Эгамова, Ўзбекистон халқ шоирлари Сирожиддин Саййид, Тўлан Низомга Бобур халқаро мукофоти топширилди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ

ЁШ РАССОМЛАР ЮТУҒИ

Пойтахтимиздаги халқаро Маданият карвонсаройида Бангладеш Халқ Республикасида ўтказилган "Биеннале — 2011" халқаро болалар санъат биенналесида ғолиб деб топилган ўзбекистонлик ёш ижодкорларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур биеннале Бангладеш Шишу академияси ҳамда Бангладешнинг Аёллар ва болалар ишлари вазирлиги билан биргаликда ўтказиб келинади. Унда дунёнинг турли минтақаларидан тўққиз ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган ёш иқтидорлар иштирок этди. Кўргазмада ўзбекистонлик ёш ижодкорларнинг қирқ иккита рангтасвир асари намойиш этилди.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра республика рассомлик коллежи ўқувчиси Бегзод Азимов ижодига мансуб асарлар кумуш ҳамда Қашқадарё вилояти ихтисослаштирилган санъат мактаб-лицейи ўқувчиси Темур Михаилов чизган манзаралар бронза медалига муносиб деб топилди. Маросимда Бангладеш Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Муҳаммад Имран жаноблари иштирок этиб, мукофотларни ғолибларга тантанали равишда топширди.

Сарвара ҚОСИМОВА

УЛУҒ САНАГА СОВҒА

Кўргазма залларида

Ўзбекистон давлат санъат музейида мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан музей фондида сақланаётган санъат асарларидан кўргазма ташкил қилинди. Мазкур асарлар Ўзбекистон тасвирий санъатининг йирик намояндалари ижоди ва мустақиллик йилларида ривожланган миллий санъатимиз йўналишларини намойиш этади. Кўргазмада П.Беньков, О.Татевосян, Ў.Тансиқбоев, Н.Кашина, Н.Карахон, А.Абдуллаев, Ч.Аҳмаров, Р.Аҳмедов, Ж.Умарбеков, А.Мирзаев, Л.Ибрагимов, А.Нуриддинов, В.Ковинин каби қўплаб рассомларнинг асарлари намойиш этилмоқда.

Мумтоз адабиётимиз мероси Ч.Аҳмаровнинг "Алишер Навоий шогирдлари билан" асарида ўз аксини топган. Темурийлар даврига оид тарихий воқеалар Ж Умарбековнинг "Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийнинг ўсмирлиги", Л.Ибрагимовнинг "Бобур вафоти олдидан Андижон қовуни билан" асарларида ўз ифодасини топган.

Л.Ибрагимов асарида Бобур Мирзо қалбидаги соғинч қовун тимсолида тасвирланган. Ота-боболари руҳини, Ватан соғинчини ҳис қилган шоирнинг туйғулари ушбу тўртлигида ҳам ўз ифодасини топган:

Кўпдан бериким ёру диёрим йўқдир,
Бир лаҳзау бир нафас қарорим йўқдир,
Келдим бул сори ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқдир.

В.Ковининнинг "Бозор" асарида юртимиз деҳқонлари ва ҳунармандлари етиштирган маҳсулотлар акс этган. Шарқни бозорсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ерда асрлар мобайнида ўзига хос бозор маданияти вужудга келган. Агар асарга диққат билан назар ташласак, бозор фақат харид ва савдо жойи эмас, балки ўзаро мулоқот қиладиган, кундалик ҳаёт ташвишларини ўзгалар билан баҳам кўрадиган, руҳиятни енгиллатадиган, кайфиятни ўзгартира оладиган жой эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Кўргазмага ўзбек рангтасвир усталарининг мустақиллик йилларида яратган асарлари ҳам қўйилган. Бугунги ўзбек рассомлари эркин услуб ва ижодий йўналишларда миллий анъаналар ҳамда жаҳон андозаларига мос асарлар яратмоқда.

Тамара НУРИДДИНОВА,
санъат музейи археологи

ЁРУҒ КУНЛАР ҚАДРИ

Тобора яшнаб, чирой очиб бораётган Тошкентнинг ям-яшил боғлари ва хиёбонларида сайр қилишни, кенг ва равон кўчаларида кезишни яхши кўраман. Шу шаҳарда эллик йилдан бери яшаётганимдан, унинг фуқароси бўлганимдан фахрланаман. Ҳеч бир муболағасиз пойтахтимиз ҳозирги авлод одамлари кўз ўнгида кескин ўзгариб, дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланди. Буни ўз одамларимиз ҳам, хориждан келаётган меҳмонлар ҳам таъкидлашяпти.

31 август куни эрта тонгда «Шаҳидлар хотираси» хиёбонида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлганларни ёд этиш маросими ўтказилди. Анъанага кўра ош тортилиб, Қуръон тиловат қилинди ва қатағон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди. Маросимда Президентимиз Ислом Каримов иштирок этди.

Дарҳақиқат, ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида бундай тадбирларнинг ўтказилиши истиқлол даврининг хайрли анъаналаридан бирига айланган.

— Биз мустақиллик, тинчлик-осойишталик каби неъматларнинг нақадар улуғ ва қадрли эканини аввало ана шу йўлда курашган, керак бўлса жонини фидо қилган инсонлар тимсолида, уларнинг мураккаб ҳаёт йўлида кўрамиз, — деди Президентимиз.

Юртбошимиз ташаббуси билан Бўзсув бўйида «Шаҳидлар хотираси» майдони ва бу жойда гўзал хиёбон, музей ташкил этилгани — бу бизнинг истиқлол курашчилари, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган юртдошларимизнинг порлоқ хотирасига бўлган иззат-ҳурматимиз, эҳтиромимиз ифодасидир.

Мен ҳар гал музейни кўздан кечирганимда маънавий бойигандай бўламан, бугунги бахтли ҳаётимизга шукроналар айтаман. Экспонатлар орасида ўзбек болалари ўз ўқитувчилари билан тушган сурат бор. Улар — 1931 йилда Украинанинг Херсон вилоятига сургун қилинган ўзбек қулоқларининг фарзандлари. Сурат 1936 йилда Одесса опера ва балет театри олдида олинган. Расмдаги ўсмир болалардан бири — менинг устозим Раҳимжон Ёқубжонов. Раҳимжон ака ўтган урушда Берлингача жанг қилиб бориб, 1946 йилда Ўзбекистонга қайтган. Сўнг умрининг охиригача Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 25-мактабда ўқитувчилик қилган. Расмда Раҳимжон аканинг ёнида турган болалардан бири Ортиқ Абдураҳмонов, иккинчиси Турғун Алимуҳаммедов. Ортиқ Абдураҳмонов бир оёғи ногирон бўлгани учун фронтга бормаган. Тошкентга келиб ўқиб, фалсафа фанлари доктори, профессор даражасига етган. У 1937 йилда сургундан қайтгач, ТошМИга кириб ўқийди. Институтнинг бешинчи курсига ўтганида "давлатга қарши жиноят" қилганликда айбланиб, ўн йил қамоқ жазосига ҳукм қилинади, Сталин вафот этгач эса оқланади. Бу йигитни жиноят қилгани учун эмас, балки уни севган, ҳатто унга унаштириб қўйилган жуда гўзал қизни ундан тортиб олиш учун қаматишган экан...

Шўролар даврида ёзувчилар ҳозиргидай эркин замонда эмас, балки қаттол тузумнинг қонли қиличи бошларида ўйнаб турган оғир шароитда ижод қилишган. Битта нотўғри фикр, битта ўйламай айтилган гап учун қаламкашларни панжара орасига олиб бориб тиқиш оддий ҳодиса бўлган. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби буюк адибларимиз қаттол шўро тузумининг қурбонлари бўлдилар.

Урушдан кейин қайта авж олган қатағон тўлқинида эса Шайхзода, Ҳамид Сулаймон, Саид Аҳмад, Шуҳрат, Тўхтасин Жалолов ва бошқа адибларимиз ҳам ҳибсга олиниб, Сибирь ва Шимолий Қозоғистондаги қамоқ-лагерларига жўнатилдилар. Шу даврда Ойбекнинг "Навоий" романи ноҳақ танқидга учраб, охир-оқибат адиб соғлиғини йўқотди.

Ҳиндистон бош вазири Жавоҳарлаъл Неру 1956 йилда Ўзбекистонда бўлганида "Ҳинд истиқлолчилари" драмасини ёзган адиб Абдурауф Фитратнинг қабрини зиёрат қилиб, гулдаста қўйиш истаги борлигини айтган экан. Шунда ҳиндистонлик мартабали меҳмонга: "Бунинг иложи йўқ, Фитрат Ўзбекистонда эмас, Сибирда дафн этилган", деб ёлғон жавоб беришган.

Тошкент шаҳри марказидан Қўйлиқ томон юрсангиз, "Почта" бекати келади. Шу ерда ўнг томонга кетган кўчадан бироз ўтгач, қари қайрағочлар ўсиб турган эски қабристонни кўрасиз. Қўйлиқда бир пайтлар Зулайҳо Қаюмова деган кампир яшаган. Ўқимишли, 90 ёшдан ортиқ умр кўрган бу онахон Тошкент шаҳри тарихига оид кўп воқеаларни билар эди. У менга: "1937-38 йиллардаги қатағонда қатл этилганлар дастлаб "Почта" яқинидаги қабристонда отилганлар", деган эди. Онахоннинг айтишича, ярим тунда маҳбусларнинг дод-фарёдини эшитган, отилганларнинг ерга тушиб қолган бош кийимлари, бошқа буюмларини кўрган атрофдаги хонадонларда яшаётган одамлар ўртасида шов-шув гаплар кўпая бошлагач, маҳбусларни бу қабристонда отиш тўхтатилиб, Юнусободдаги анча овлоқроқ жой бўлган "Алвасти кўприк"да давом эттирилган экан.

Бу гапдан 1937-38 йиллардаги қатағонда қатл этилганлар фақат Қўйлиқ яқинида ва "Алвасти кўприк"да отилган эканлар, деган фикр чиқмаслиги керак. Мен собиқ НКВДчи бўлган кекса бир одам билан 70-йилларда суҳбатлашганман. У қатағон қилинганлар Тузел томонда, Чирчиқ дарёси бўйида ҳам отилган, деган эди.

Олой бозори яқинидаги "Юлдуз" фирмаси ўрни урушгача қамоқхона бўлган. Сўнг қамоқхона янги жойга кўчирилиб, бинолари парашют фабрикасига айлантирилган. Урушдан кейин бу корхона эркаклар учун кийим-кечак ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. 70-йиллар бошида корхонага янги, замонавий бино қурилди. Шу бино пойдевори учун хандақ қазилганда ер остидан одамларнинг суяклари чиққан. Қурувчилар бу суякларни қопларга солиб, кечаси "Минор" қабристонига олиб бориб кўмишган. Демак, маҳбусларни отиб ёки уриб ўлдириб, қамоқхона ҳудудига кўмиш ҳоллари ҳам бўлган.

Сталин вафот этгач, қатағон қилинган минглаб, миллионлаб одамларнинг пок номи оқланди. Лекин таг-туги билан қўпориб ташланмаган сталинизм яна кўп йиллар ўзини намоён этиб келди. Агар шундай бўлмаса, Ҳабиб Абдуллаевдек шўро мактабида таълим олган, дунёга машҳур олимимизни миллатчига чиқариб, ёш умрини эговлашармиди? 80 нафардан ортиқ фан номзоди ва фан докторини тайёрлаган, собиқ иттифоқ Фанлар академиясининг аъзоси бўлган Обид Содиқовни илмда ёшларга йўл бермасликда айблаб ишдан олишармиди?

Ўтган асрнинг 50-йилларида бошланиб, озгина вақт давом этган "юмшаш" даврида шўро истибдодидан ноҳақ жабр чеккан адибларимизнинг пок номларини тиклаш, асарларини чоп этишга уринишлар бўлди-ю, бироқ бу иш ҳам охирига етмай қолиб кетди. Масалан, Абдулҳамид Чўлпон шахс сифатида оқланди-ю, аммо асарларини нашр этишга рухсат берилмади. Уларнинг номига атайин "бичиб-тўқилган" жиноий иш "дело"лари ҳам илмий тадқиқ этиш ва ўрганиш учун берилмади. Фақат мустақиллик йилларида Чўлпон асарларини бемалол нашр этиш, ижодини ўрганиш, тарғиб қилиш имконияти яратилди. Фақат шугина эмас. Ҳозирги авлод Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний каби буюк авлодлари борлигини ҳам мустақиллик йилларидагина билди ва уларнинг асарларини ўқиш имконига эга бўлди. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳақидаги буюк ҳақиқатлар эса кейинги йигирма йилдагина росмана айтилди.

Юртбошимиз "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуини зиёрат қилиш чоғида айтганидек, ёшларимиз ўз юртини севиши учун аввало ота-боболарининг жасоратини, ҳозирги ёруғ кунларга қандай машаққат ва қийинчиликлар эвазига эришилганини теран англаши, шунга муносиб бўлиши лозим.

Дарҳақиқат, тарихий ҳақиқатни қарор топтириш, буюк боболаримизнинг хотирасига эҳтиром кўрсатиш, улар яшаган ва абадий уйқуда ётган жойларни ободонлаштириш, ёш авлодни юртимизнинг буюк тарихидан хабардор қилиш, миллий қадриятларни тиклаш мамлакатимиз мустақил сиёсатининг бош йўналишларидан биридир.

Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ

Бошланиши биринчи саҳифада.

ЕРГА БОҒЛАНГАН МЕҲР

Адашмасам, 2002 йил эди. Бизда ширкат хўжалиги тугатилиб, унинг ўрнида фермерлар уюшмаси ташкил топди. Ўшанда жуда кўпчилик тушуниб-тушунмай, худди ер олса бирдан бой бўлиб қоладигандек ўзини фермерликка урди. Уларнинг орасида умуман бу соҳадан хабари йўқ, умри бино бўлиб далага чиқмаганлар ҳам бор. Вақт энг одил ҳакам, деб бежиз айтилмаган, кейин-кейин фермер бўлиш учун ернинг сирини билиш, тупроқ билан тиллашиш кераклигини англаб етишди. Ҳа, деҳқонларга хос тажриба ва омилкорлик эгаси бўлишмаса, қўлни қуруқ чўнтакка солиб, "мен фермерман", деб юриш билан иш битмайди, рўзғорида бири икки бўлмайди. Бу борада, яъни фермерликни эплолмаганлар ўзидан ўпкаласин...

Одам ерга қаттиқ меҳр қўймаса, уни шудгорлаб, тобига келтириб экин экмаса, вақтида ўғитини сепмаса... Фермерман, деб бошқаларни, ўзини алдаб нима қилади? Кексаларимиз "Ерни қаровсиз қолдирма, ернинг уволидан қўрқ", дейишади. Ахир, деҳқон ҳосилни давлатга режа топшириш ёки ўзи учунгина яратмайди. Унда одамларнинг, эл-юртнинг, қуш, ҳатто қурт-қумурсқанинг ҳам насибаси бор.

Қишлоққа борганимда атайин "Аҳмад фермернинг даласи қандай?" деб сўрайман. "Зўр, ҳар йилгидек бу йил ҳам катта хирмон кўтаради, агроном", дейишади. Ҳа, гап қаерда, Аҳмад ака ер илмини ўқиган, кўп йиллар шу соҳада ишлаган. Сўнг фермер хўжалиги очди. Бошқа фермерлар унинг даласида нима иш қилишини пойлаб туради. Билишади-да, Аҳмад ака ерни, ер Аҳмад акани тушунади. Шу сабабдан агроном бажарган ишни бажаради. Лекин, мана неча йилдирки, қанча ҳаракат қилишмасин бирортаси Аҳмад фермердек мўл ҳосил ололмайди. Бундан кўриниб турибди: фермерга ҳам ерга, ўсимликшуносликка оид билим ва тажриба жуда зарур. Хўжаликнинг ўз техникаси бўлса, янада яхши.

Бир пайтлари қишлоғимизда тегирмон йўқ эди. Ҳозир уларнинг сони еттита. Демак, бу ғалла сероблиги ва чорва ривожи қут-баракали эканидан далолат. Аҳоли фаровонлиги ҳам йил сайин ошиб бораяпти. Менинг билганим, илгари саноқли хонадонда шахсий автомобиль бор эди, энди эса ҳар учтадан бирида ўзимизда ишлаб чиқарилган машина. Яна бир мисол, қишлоғимизда уч қаватли замонавий касб-ҳунар коллежи қад ростлади.

* * *

Боғбон ўз боғида меҳнат қилар экан, ундаги гуллар, дарахтлар, ниҳолларнинг камолини кўришга, мевасидан тотишга умид боғлайди, бошқалар ҳам баҳраманд бўлсин, дейди. Эзгу ният унга куч-қувват беради. Чеккан заҳматларидан малоллик сезилмайди. Фақат у кўкартирган боғ боғ дегудек, гуллаб-яшнаса, сербарака бўлса бўлди.

Маълумки, азал-азалдан Қашқадарё узумлари ширадорлиги билан ўзгача довруқ қозонган. Айтишларича, коинотда учиб юрган фазогирларга жуда зарур бўлган майиз айнан шу жойнинг узумидан тайёрланар экан. Афсуски, собиқ тузум даврида пахта яккаҳокимлиги ортидан қувиш оқибатида бу соҳага эътибор анча сусайиб кетганди. Юртимиз истиқлолга эришгач, фермерлик ҳаракати жорий этилиши туфайли катта имкониятлар эшиги очилди. Дотқушлик тиниб-тинчимас йигит Эркин Хидиров узумчилик довруғини қайта тиклашга астойдил бел боғлади. Ҳозирча унинг лалмикор боғи майдони унчалик катта бўлмаса-да, натижалар салмоқли, режалари эса улкан. Президентимиз томонидан 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши кучига куч қўшди. Табиатан меҳнаткаш ва тадбиркор бўлган Эркин фермерни ҳеч ким бахузур дам олиб ўтирган ҳолатда учратмаган. Доимо ҳаракатда. Натижалар чакки эмас, у етиштирган маҳсулотларга буюртма берувчи ҳамкорлар сони кўпайиб бормоқда.

— Ҳозирги кунда фермерларимизнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши баробарида уларнинг зиммасига катта масъулият ҳам юкланган, — дейди Э.Хидиров. — Мен фермер бўламан, деб майдонга тушдингми, шунга яраша масъулиятни ҳам ҳис этиш керак. Давлатнинг, ҳамқишлоқларнинг, сиз билан бирга ишлаймиз, деган ҳамкорлар, хўжалик аъзоларининг ишончини оқлаш лозим.

Фермерлик — биз учун касб ёки машғулот эмас, балки ҳаёт тарзи, дейиш мумкин. Қолаверса, фермерлик тиниб-тинчимайдиган, ҳеч қачон одамни зериктирмайдиган, қут-баракали соҳа. Энг муҳими, бадавлат бўлиш, катта-катта корхоналар барпо этиш учун йўллар кенг очилган. Фақат бундай имкониятлардан унумли фойдалансак, бас.

Дарҳақиқат, кечаги оддий қишлоқ одами бугун мулкдор – фермерга айланди. Бундай масъулиятни зиммага олиш осонми? Йўқ, албатта. Чунки ҳар йилнинг ўзига хос инжиқликлари бор. Шунга қарамай, деҳқон яхши ният билан ерга уруғ қадайди, дала кезади, меҳнат қилади. Ҳақиқий деҳқон ҳар бир ишга баҳона эмас, тадбир топади. Чунки эл дастурхонининг тўкинлиги, юртнинг ободлиги, бозорларимизнинг мева-чеваю дон маҳсулотлари билан тўлиб-тошиб туриши деҳқон ҳосилининг мўл-кўллигига боғлиқ.

Бугунги фермер ерга меҳр бериб, топган даромадини данғиллама уйлар қуришга, элга ош бериб, тўйлар қилишга, ҳеч кимдан кам бўлмай яшашга сарфлаш билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Қўл остида ишлайдиган ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш баробарида қишлоғини обод қилишга, эҳтиёжманд ҳамқишлоқларига ёрдам қўлини чўзишга интилмоқда. Ўзи етиштираётган хомашёни қайта ишлашни йўлга қўйиб, қишлоққа саноатни олиб киряпти, аҳолининг бандлигини, фаровонлигини оширишга баҳоли қудрат ҳисса қўшяпти.

Ажиб бир диёр. Бағрида саратон ва сунбула жой талашган бир фасл. Униси кетиб кета қолмайди, буни кўч-кўронини ортиб бутунлай кела қолмайди: кундуз кунлари ҳамон дарахт сояси қадрли, кечалари эса эт жунжикади. Иссиқ ва совуқда тобланган мева-чевалар тобора тиниқ тортиб шира боғлайди. Момиқ пахталар берк кўсакларини ёриб чиқиб, оппоқ жамолини кўз-кўз қилади. Фермерларнинг қўни-қўнжи ҳосилга тўлган кунлар...

Тўкинлик ҳар бир кўнгилда яшаш, теварак-атрофда ўз қўлинг билан бунёд этилган гўзалликдан завқ олиб яшаш туйғусини жўштиради. Ҳа, бу шундай фасл — жаннатмонанд Ўзбекистон кузи, меҳнаткаш ўзбек кузи!

Суюндик МАМИРОВ

МУСТАҚИЛЛИК ДАРСИ ЯНГИ БИНОДА

Истиқлолимизнинг 20 йиллиги байрами муносабати билан тўёна сифатида 5 сентябр куни Ўзбекистон Бадиий академияси республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати янги биносининг очилиш маросими бўлди. Тадбирда Маданият ва спорт ишлари вазири Турсунали Қўзиев, мактаб фахрийлари, ота-оналар, ўқитувчилар ва мураббийлар, ўқувчилар иштирок этди.

— Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди мактаб-интернат директори Сомиъ Содиқов. — Мусиқа ва санъат мактабларида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари ёш авлоднинг маънавий оламини юксалтириб, уларнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданияти намуналаридан баҳраманд бўлишлари учун қулай имкониятлар яратади, деб ўйлайман. Мактаб фаолиятини тубдан яхшилаш, замонавий талабларга мос равишда жиҳозлаш, ўқув дастурларини янгилаш ўқувчиларимизнинг келажакда катта ютуқларга эришишларида, шубҳасиз мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди.

Санъат мактаби учун янги қурилган бинодаги катта концерт зали маҳобати ва гўзаллиги билан кишини қувонтирса, кўргазма залига аллақачон ўқувчиларнинг маҳорат билан чизган расмлари илинган. Синф хоналари янгидан жиҳозланган, мусиқа хоналарига шовқинни ўтказмайдиган махсус эшиклар ўрнатилган. Ўқувчиларнинг ўқиш ва ижод билан шуғулланишлари учун барча қулайликлар муҳайё.

Тадбирда бинокорлар ва мактаб меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари топширилди. Ўқувчилар мустақиллик дарсини янги, шинам ва ёруғ синфларда ўтказишди.

Муяссар ИСЛОМОВА

"МЕНИ АЙТДИ ДЕМАНГ"

Куюнчак газетхондан мактуб

"Вой, эшитдингизми, тағин мени айтди, деманг-у, палончининг келини кетиб қолибди".

"Аслида ҳаммасига ўзи айбдор, бошидан маълум эди...".

Автобусда қаршимда ўтирган ўртаяшар аёлларнинг бу гаплари ногоҳ қулоғимга чалинди. Эшитишга эшитдим-у, аммо кўнглим ғашланди. Чунки уларнинг бири қўйиб, бири олаётган ғийбатларини кўриб-эшитиб, мана шундай сўзамолликдан азият чеккан бир синфдошимнинг маъюс қиёфаси кўз олдимга келди.

Ўзингизга маълум, ҳар бир синфда бошқалардан ажралиб туришни хоҳлайдиган, синфнинг "олди" қизлари бўлади. Шундай синфдошларимиздан бири бир куни "реклама" учун олиб келган навбатдаги тақинчоғини синфхонада йўқотиб қўйди. Ўша куни синфда навбатчилик қилган бошқа бир дугонамизнинг боши балога қолди: олифта қизнинг онаси келиб, сўраб-суриштирмай уни ўғрига чиқариб, жанжал кўтарди. Бу орада гап оралаб нафақат мактабга, балки маҳаллага ҳам ёйилди. Қўли билан ушламай, кўзи билан кўрмай туриб, баъзи оғзига кучи етмайдиганлар "ўғри қиз" ҳақда "миш-миш"ни авж олдиришди. Шўрлик дугонамиз бош кўтариб дарсларга ҳам келолмай қолди. Орада бир неча кун ўтар-ўтмай ўша қимматбаҳо тақинчоқ топилди, аммо шундан сўнггина ўқишга қайтган гуноҳсиз гуноҳкор синфдошимизнинг аҳволи ҳали-ҳамон кўз олдимдан кетмайди. Бир ҳафтада озиб-тўзиб, рангларида ранг қолмаганди. Энди у тўрт-бешта синфдошимиз тўпланиб турганини кўрса, "мени гапиришаяпти", деб ўзини қўярга жой тополмай, ҳуркак бўлиб қолганди. Бора-бора у ҳаммамиздан ўзини олиб қочадиган одамовига айланди. Менимча, энг ёмони — у атрофдагиларга ва ҳатто ўзига бўлган ишончини йўқотганди...

Бувим раҳматли туҳматнинг тоши оғир бўлади, дердилар. Ҳа, бу тош тоғдай бардошларни, умрбодек меҳр-муҳаббатни қуритишга қодир. Унинг замирида эса, бугун бепарвогина "кўнгил ёриб" айтилаётган — олди-қочди гап-сўзлар, "миш-миш"лар ётади. Рўй берган ҳодисани кўрмай туриб, сабабу оқибатларни билмай туриб, худди кўргандай сўзлаётган киши эртага бу гаплари билан кимнидир руҳан мажруҳ қилиши, турмушини чигаллаштириши мумкинлигини ўйлаб кўрармикин?! Кези келганда бир дастурхон атрофида ўтириб, бир жамоада ишлаб қариндоши, қўшни ёки ҳамкасбини иғво қилиш бировнинг кўзига кўра-била чўп суқиш билан баравар эканини наҳот билмаса. Қалб ойнасини хиралатувчи ҳам, инсонларни бир-биридан бегоналаштирадиган ҳам мана шу ортиқча, бетайин гап-сўзу ғийбатлар эмасми? Албатта, ҳар нарсанинг сабаби бўлганидек, бу ярамас иллатнинг ўзига хос "илдизлари" бор. Менимча, бу иллатларнинг томири иймон-эътиқод, ирода сустлиги, дунёқарашнинг торлиги, савияю маънавиятнинг ҳаминқадарлигига бориб боғланса керак.

Мана шундай ўйлар билан манзилимга етиб келганимни ҳам сезмай қолибман. Автобусдан тушишга чоғланаётиб, ҳалиги сергап аёлларга қарадим: улар ҳали ҳам бир-бирига гал бермай кимларнингдир қулоғини қиздиришаётганди.

Моҳира ОТАБОЕВА,
талаба

ЎЗБЕКИСТОН ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

Тошкент фотосуратлар уйида мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон хорижликлар нигоҳида» номли кўргазма очилди. Хорижлик фоторассомлар ва фотоҳаваскорларнинг ўзбек халқига байрам совғаси сифатида ташкил этилган кўргазмада Озарбойжон, Аргентина, Белгия, Буюк Британия, Германия, Исроил, Эрон, Украина ва бошқа давлатлар фотосуратчиларнинг уч юздан ортиқ асари намойиш этилмоқда.

Истиқлол йилларида юртимизда қайта тикланган ва таъмир этилган меъморлик ёдгорликлари Анжело Пайонни ҳамда Бруно Буццони (Италия)ларни илҳомлантирган, улар фотография ва қаламтасвирда мамлакатимиз маданияти ва санъатидан завқланиб, туркум асарлар яратишган. Кундан-кунга яшнаб бораётган Ўзбекистоннинг сўлим манзаралари, оддий одамларнинг турмуш тарзи, замондошларимизнинг мафтункор қиёфалари, қўли гул ҳунармандларни хорижлик фоторассомлар завқ билан суратга олганлар.

Кўргазма очилишида сўзга чиққан белгиялик фоторассом Сесил Хуберт шундай деди: "Аввало, шундай нуфузли кўргазмага таклиф этилганимиз учун белгиялик фоторассомлар номидан миннатдорлик билдираман. Биз қўлимиздан келганча қуёшли Ўзбекистонни суратларда тасвирлашга ҳаракат қилдик. Одамлар фотосуратда манзара қисман ёритилади дейишади. Биз шундай манзаралар орқали 20 йил давомида Ўзбекистоннинг барча жабҳаларда эришган ютуқларини томошабинларга кўрсатишга ҳаракат қилдик."

Ҳар бир фотосурат бугунги ҳаётимизни муҳрлаган ўзига хос тарих бўлиб, келажак авлодларга муносиб совғадир. Санъаткорлар томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар кўргазмага файз бағишлади.

Дилноза ҚОСИМОВА

"БАХТ КАЛИТИ НИМАДА?"

"ЎзАС", 2011 йил, 19 август

Акс-садо

Инсон дунёга келибдики, орзу-ҳавас, эзгу ният билан яшайди. Фарзандлари учун кўркам иморатлар қуриш, элга дастурхон ёзиб тўйлар бериш ҳар бир ота-онанинг қутлуғ умиди, десак янглишмаймиз. Айниқса, биз ўзбекларнинг хонадонида фарзанд туғилиши билан унинг келажаги ҳақида ўйлаб, тараддуд кўришга киришилади, бешик тўйи, мучал тўйлар учун йиғинилади. Булар ота-боболаримизнинг бизга мерос бўлиб келаётган анъаналаридир. Лекин кейинги пайтда айрим босар-тусарини билмай қолган юртдошларимиз бу анъаналарни "ким ўзар" ўйинларга, "манманлик" намойишига айлантиришга зўр беришаётир.

Муяссар Исломованинг "Бахт калити нимада?" сарлавҳали мақоласини ўқиб, яна бир бор бу ачинарли ҳолат ҳақида ўйга толдим. Мақолада қизга совчи келишидан бошлаб бешик тўйигача бўладиган югур-югурлар, сарф-харажатлар ҳақида куюниб мулоҳаза юритилган. Муаллифнинг ўзи кузатган, кўрган, эшитган ҳаётий воқеаларга муносабати газетхонларни бефарқ қолдирмаганига ишончим комил. Бир кунлик тўйни деб талай қарз кўтариб, дабдабаю чошгоҳлик обрў кетидан қувиб, охир-оқибат турмуши бутқул издан чиқиб кетган бир маҳалладошимизнинг қисмати ёдимга тушди.

Ўша маҳалладошимиз фарзандимнинг кўнгли ўксимасин, дея каттагина қарз кўтариб, дабдабали тўй қилганди. Никоҳ оқшомига Тошкентдан таниқли хонандаларни олиб келди. Эртасигаёқ тўйининг довруғи қўшни қишлоқларга ҳам етиб борди... Кейинчи? Кейин... тўйдан бир ой ўтиб-ўтмай қарз берганлар тўйчи отани безовта қила бошлашди. Ночилож, куёв қарзларини узиш учун ишлаб пул топгани бегона юртларга кетди. У ёқда ноинсоф кимсаларнинг тузоғига тушиб, уч йилча ундан хат-хабар бўлмади. Тутқунликдан қутилганидан сўнг уйига пулсиз қайтишга орланган йигит яна бир бошқа мамлакатга бориб ишлайди... Орадан беш йил ўтиб, қайтиб келгач, фарзандининг дом-дараксиз кетганига дош бера олмай аввал онаси, кейин отаси ёруғ оламни тарк этганидан, чилласи чиқмаган ёш келинчак эса эрини бир неча йил кутиб, сўнгра бошқа бировга турмушга чиқиб кетганидан хабар топади...

Ҳа, энди унинг қарзларни тўлашга ҳам, данғиллама тўйлар қилишга ҳам қурби етарди, бироқ барбод бўлган турмушини тиклаб, бевақт қазо қилган ота-онасини қайтара олармикан?!

Халқимиз бежиз: "Ҳаддини билган ҳоримас", демайди.

Соҳиба МАМАДИЁРОВА,
Жаҳон тиллари университети талабаси

Уйимизни ўзимиз асрайлик



Мустақиллик йилларида халқ хўжалигининг барча тармоқларида амалга оширилаётган islоҳотлар туфайли мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланиб, халқимиз турмуш фаровонлиги кун сайин юксалмоқда. Ота-боболаримиздан мерос маданий бойликларни, истиқлол шарофати билан эришилган ютуқларимизни асраш шу юртда яшаб турган барча фуқаронинг муқаддас бурчи. Бу борада, айниқса, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг масъулияти залворли.

Рўй берган ёнғинлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг қарийб 80 фоизи хонадонларда, шундан 40-50 фоизи газ ва турли хилдаги электр жиҳозларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида содир бўлмоқда. Бунга уй эгаларининг лоқайдликлари, бепарволиклари, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмасликлари ва болаларни назоратсиз қолдириш сабаб бўлмоқда. Шу ўринда савол туғилади: хўш, хонадонларда рўй бераётган ёнғинларнинг олдини олишда соҳа ходимлари қандай чора-тадбирларни амалга ошираётирлар? Бу борада, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари туну кун «Тошшаҳаргаз» ва Тошкент электр тармоқлари ишчилари билан биргаликда рейдлар ўтказиб, аниқланган камчиликлар юзасидан тушунтириш ишлари олиб борадилар.

Ёнғиннинг олдини олишда аҳоли ўртасида олиб борилаётган кенг кўламдаги тушунтириш ишларининг аҳамияти катта. Содир бўлаётган ҳар бир ёнғин, аввало, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билмасликдан ёки унга риоя қилмасликдан келиб чиқади. Ёнғин хавфсизлиги ойлиги давомида аҳолига ёнғинларни бартараф этишда фойдаланиладиган бирламчи ўт ўчириш анжомлари, уларни ишлатиш тартиблари кўрсатиб борилади. Бундан ташқари, ёнғин қандай талофатларга олиб келиши мумкинлиги акс эттан кўргазмали воситалар намойиш этилади.

Нурислом САЛИҲОВ,
Тошкент шаҳар ёнғин хавфсизлиги хизмати муҳандиси

ДОҒИСТОН ЮЛДУЗИ

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири

ХХ аср туҳфа этган ўлмас сиймолардан бири, шубҳасиз, Доғистон юлдузи — Расул Ҳамзатовдир.

Бу зот ҳақида гап кетганда, мен беихтиёр, ҳавас қилгулик адабий давраларни эсга оламан. Булар Мустай Карим, Қайсин Қулиев, Давид Қуғултинов, Чингиз Айтматовлар эди. Маълумки, уларнинг ҳар бири нисбатан кичик миллатларга мансуб бўлиб, Расул ака гоҳо ҳазил аралаш: "Бизлар "нацмен"лар (миллий озчилик), деб юргувчи эди.

Албатта, бу мутойибанинг тагида теран мазмун мавжуд бўлиб, ўша ижодкорларнинг ҳар бири ўз миллатини астойдил ҳимоя қилиб келардилар. Бу жараёнда Расул Ҳамзатовнинг сиймоси ярқ этиб кўзга ташланиб турарди. Чунки у "улуғ совет оиласи"ни рад этмаган ҳолда тинимсиз Доғистон ҳақида ёзар, аварчани эса дунёдаги энг гўзал тил, деб ҳисобларди. Шоирнинг юртпарварлик, элпарварлик туйғулари бошқаларга ҳеч қачон малол келмасди.

Хуллас, Расул Ҳамзатов дунёга, ўзи орзу қилганидек, аввалambор, Доғистон куйчиси бўлиб танилди. "Менинг Доғистоним" китобини эса Расул Ҳамзатовнинг шоҳ асари, дейиш мумкин. Албатта, Расул Ҳамзатовнинг шеърияти ер юзидаги барча китобхонларга дини, тили, эътиқоди, дунёқарашидан қатъи назар бирдай манзур бўлди. Биз ўзбеклар ҳам Ҳамзатовнинг ўта ҳаётий, оҳори тўкилмаган ташбиҳларга бой, турфа жумбоқ ва бошқотирмалардан холи ҳикматли шеърларини интиқ бўлиб кутар эдик ва дарҳол таржима ҳам қилардик. Унинг ижодий таъсири ҳам кўзга ташланарди. Бир вақт шоир саккизликлар ёза бошлаганда бизнинг шеъриятимизда ҳам саккизлик урчиб кетган эди. Ёхуд "Менинг Доғистоним"га ўхшаш асарлар ёзишга уринишлар ҳам кўп бўлди. Бироқ от аллақачон минилган эди. Чавандози эса Расул Ҳамзатов эканини ҳамма биларди.

Шоир Ўзбекистонни, ўзбек халқини бениҳоя ҳурмат қилар, даҳоларининг номини тилдан қўймасди. Орадан йиллар ўтиб, собиқ иттифоқ парчаланиб кетгач, мен хизмат сафари билан Махачқалъага бордим ва, албатта, Расул Ҳамзатовга юртимиздан салом етказдим. Расул ака кўришганимиздаёқ истиқлолимиз, мамлакатимиз Йўлбошчиси ҳақида ғоят самимий фикрлар билдирди. У асарларининг Ўзбекистонда, ўзбек тилида ўқилаётганидан такрор-такрор қувониб, "Менинг Доғистоним"нинг таржимаси ҳам охирига етдими, деб сўради. Мен: "Ҳа, албатта, охирига етади", дедим. Аслида асарнинг Эркин Воҳидов таржимасидаги катта бир қисми шўро замонида журналда чоп этилган, аммо унга маълум доираларнинг рўйхушлик бермагани бизга аён эди. Назаримда, бу китоб ўзбекларнинг ҳам миллий туйғуларини янада жўштириб юбориши мумкин, деган иштибоҳ уйғотган.

Мен вазият тақозосига кўра, Расул Ҳамзатов билан кўп марта учрашганман. Аммо Махачқалъадаги суҳбатларимиз анча бафуржа кечган эди. Мен ҳозир бу суҳбатларнинг барча тафсилотларини ёзиб ўтирмайман. Бир гал Расул ака ўзига хос эркалик билан: "Ер юзида айрим бир шеърга ҳайкал қўйилганини эшитганмисан? — деб сўраб қолди ва гапни ўзи давом эттирди. — Сизларнинг Чирчиқ деган шаҳрингизда менинг "Журавли" ("Турналар") шеъримга ҳайкал ўрнатилган". Дарҳақиқат, Ҳамзатовнинг ушбу шеъри буюк армонлар, айрилиқлар руҳи сингиб кетган қўшиқ сифатида Ер юзи бўйлаб янграрди. Шеърнинг мотивлари бизнинг қалбимизга ҳам яқин эди. Ахир, дунёда урушлардан, йўқотишлардан зада бўлганлар озми?

Расул ака табиатига кўра, содда, самимий, бағрикенг, ниҳоятда зукко одам эди. Ўзи куйлаган тоғликларга хос мардлик ва садоқат ҳам шоир сийратида мужассам эди. У Ўзбекистонда ўзига кўрсатилган иззат-ҳурматга иложи борича жавоб қайтаришга ҳаракат қиларди. Махачқалъа аэропортида Расул ака самолётгача бирга чиқиб, ҳатто ўриндиқнинг тасмасини ҳам боғлаб қўйган. Мен у кишига: "Ўзбекистонга боринг, кутамиз", дедим. Шоирнинг қўллари (хасталик боис) қалтираб турарди. Расул ака соғлиғига ишора қилиб: "Абдуллажон, мен ўзбек дўстларимнинг хотирасида соғлом, тетик Расул сифатида қолишни истайман", деди. Бу мунгли ва лекин ўктам жавоб эди.

Теран томирлар

Расул Ҳамзатов узоқ йиллар Доғистон Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилди. Доғистонда турли тилга мансуб қавмлар яшайди. Расул ака уларнинг бошини қовуштириш мушкуллигини доим ёдда тутар, ҳамманинг кўнглига йўл топишга ҳаракат қилар эди.

Расул Ҳамзатовдек нозик табиатли шоир зоҳиран қанчалик ҳаётсевар бўлиб кўринмасин, ботинан унинг қалбини дунё номукаммаллиги эзиб келарди. Бунга шоирнинг катта-кичик ҳар бир асари, сатрлари, ҳикматлари исботдир. Собиқ иттифоқ тарқалганидан сўнг, айниқса, Кавказда турли бошбошдоқликлар кучайиб кетди. Бу ҳолдан кекса ва хаста шоир ғоят изтироб чекди. Шоирнинг кўзига дунё бутунича нодонларга, товламачию муттаҳамларга қолгандек бўлиб кўринди. Расул Ҳамзатовнинг Махачқалъада нашр этилган сўнгги тўпламида чексиз надомат ва бениҳоя ўкинч тўла сатрлар жамланган. Менга булар улуғ шоирнинг аччиқ қисмати бўлиб туюлди. Лекин барибир Расул Ҳамзатов юлдузи эндиликда мустақил хилқат сифатида ўзидан нур ва меҳр таратиб, шеърият осмонида абадий ҳаракатини давом эттирмоқда. Унинг бой ижодий меросида "Менинг Доғистоним" китоби гавҳардек порлаб турибди.

Мен бу китобни фақат китоб, деб атаётирман. Муаллифнинг ўзи ҳам "бунинг тайинли жанрини билмайман", деган. Нашрда уни "бадиа" дейишибди. Лекин баралла айтиш мумкинки, ушбу асарда шоирнинг бутун борлиғи: дунёқараши, маънавияти, изтироби, армони, фахри ва ғурури — барча-барчаси мужассам бўлган. Бу бепоён туйғуларни эса Расул аканинг ўз она тилига, митти бўлса ҳам ягона Доғистонига чексиз муҳаббати, садоқати бирлаштириб туради. Расул Ҳамзатовнинг фикрича, Доғистоннинг оламда тенгги йўқ. Чиндан ҳам шоир ҳақ. Ахир, ҳар қандай болакай ҳам дунёда энг яхши она — менинг онам дейди-да. Бу қонуний ва табиий ҳолдир. Расул Ҳамзатов юртига қуйидагича хитоб этади: "Доғистон — сен менинг онамсан! Мен билан баҳслашмоқчи бўлганлар, шуни ёдда тутинг. Мени хафа қилиш мумкин — барига чидайман. Бироқ менинг Доғистонимга тил теккиза кўрманг".

Шоир ўз она тилини жонидан ортиқ суяди:



Она тилимдаги сўзларни элас
Эшитган дам кирди жасадимга жон.
Ва, билдимки, менга табиблар эмас,
Фақат она тилим бағишлар дармон.

Китобда юзлаб, минглаб ёмби фикрларни, ҳикматларни учратиш мумкин. Уларнинг ҳеч бири атайин ўйлаб топилган эмас. Муаллиф аждодлар, замондошлар тажрибасига таянади. Ҳар қандай сиёсатнинг игна кўзидек тешигидан ҳам "туя"ни бемалол ўтказа олади. Мана буни маҳорат, деса бўлади.

Расул Ҳамзатов ижодига, шон-шуҳратига муттасил ҳасад билан қараб келганлар оз эмас эди. Уларнинг айтишича, гўё Расулни Расул қилган таржимонлар эмиш. Ана шундай бир пайтда Расул Ҳамзатов "Набирам Шаҳризодага", деб номланган шеърини бадиий таржима эмас, ўзи сўзма-сўз ўгирган ҳолда "Литературная Россия" газетасида эълон қилди. Шеърнинг ушбу сўзма-сўз таржимаси ҳам ўқувчиларни ҳайратга солганди. Айниқса, унинг "Менинг Доғистоним" китоби ҳеч қандай изоҳга муҳтож эмас.

Шоир бир қарашда замонасоз бўлиб кўринса-да, аслида ғоят журъатли зот эди. Кўпгина гурунгларда Расул Ҳамзатов билан боғлиқ бир воқеани ҳануз эслашади. Ҳозирги Санкт-Петербург (Ленинград) шаҳридаги мажлислардан бирида Расул ака тагдорроқ гапни минбардан айтиб юборибди. Танаффусга чиқишганда шаҳарнинг ўша пайтдаги катта хўжайини Расул акага қараб: "Мен сизнинг бундайлигингизни билмаган эканман", деса, Расул ака қуйидагича жавоб қайтарибди: "Мен эса сизни билишни ҳам хоҳламайман!"

"Менинг Доғистоним" китобида, айниқса, ёш ижодкорлар учун бебаҳо сабоқлар кўп. Улар гоҳ Сулаймон Сталский, гоҳ Абу Толиб, гоҳ шоирнинг отаси Ҳамзат Цадаса тилидан баён қилинади.

Шоир муҳаббатнинг бетакрор куйчиси эди. У бир қарашда Петрарка, Роберт Бёрнсларга ҳам ўхшаб кетади. Ростдан, бу ёруғ дунёда ёлғиз муҳаббатгина завол топмайди. Ёлғиз муҳаббатгина дину иймонлардан, сиёсатлардан баланд туради. Ёлғиз муҳаббатгина ҳақиқат каби абадийдир. Шоир мана шу нишонларни бехато топа билган.

Расул Ҳамзатов ижодидан қилинган турли таржималарни қадрлаган ҳолда шоир укамиз Асрор Мўмин хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаймиз. У яқинда шоирнинг "Менинг Доғистоним" китобини ўзбек тилига тўлиғича ўгирди.

Шеърсевар халқимиз дунё адабиётининг барча гавҳарларини кўз қарогида асраб-авайлаб келаётир. Бу бебаҳо хазинада Расул Ҳамзатов ижодининг ҳам алоҳида қиммати бор.

ЭНГ ҚИСҚА ЭРТАК

Ўзбек халқ эртаклари, одатда, "Бир бор экан, бир йўқ экан..." деган сўзлар билан бошланади. Ана шу анъанавий жумладан фойдаланиб, бор-йўғи икки мисрада тугал мазмунга эга эртак сўзлаш, инсон қадди-қоматининг гўзал тасвирини бериш мумкинми? Мумкин экан. Жаҳон адабиёти тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккир ҳазрат Алишер Навоий асарларини варақласангиз бунинг бекиёс намунасини учратасиз.

Белу оғзидин, дерларким, дегил афсонае,
Бошладим филҳолким:
"Бир бор эди, бир йўқ эди...".

Улуғ шоир асарлари тили ҳақида сўз борганда айримлар уларни тушуниш қийин, чунки арабий ва форсий сўзлар кўп учрайди, деган фикрни айтишади. Бу фикрни бутунлай инкор этиб бўлмайди, албатта. Лекин деярли барча сўзлари таниш бўлган мана бу фардни ҳамма ҳам чуқур тушуниб, шарҳлаб бера оладими?

Навоийхонлик

Шуни унутмаслик керакки, ҳазрат Навоий асарларининг мураккаблиги уларда фақат бугун қўлланилмайдиган нотаниш сўзларнинг кўп учрашида эмас. Сўз даҳосининг фикрлаш тарзи ва бадиий ифода усули соддаликдан йироқдир. Шу сабабли нотаниш сўзлар учун изоҳли луғатлардан фойдалансак ҳам баъзи байтларнинг мазмунини, уларда мужассам бўлган фикрлар кўламини, мажозлар маъносини ва моҳиятини англашда қийналамиз. Мисралардаги бадиий тафаккур дурдоналаридан бахраманд бўлмоқ учун эса муайян тайёргарлик ва мумтоз адабиётимизга муҳаббат керак.

Энди буюк мутафаккирнинг "Бадойиъ ул-бидоя" девонидан ўрин олган юқоридаги фардга қайтамиз. Маълумки, фард тугал мазмунга эга, ҳажман энг кичик назмий жанрдир. Мазкур фард ҳам ана шундай мукаммал шеър.

Юқорида келтирилган фарднинг содда шарҳи шундай: *"Сени мафтун этган гўзалнинг ҳусну жамоли қандай ўзи? Бели қанақа, оғзи-чи, қани улар ҳақида бирор афсона айтиб бер-чи, дедилар. Шу заҳоти эртакни бошладим: "Бир бор эди, бир йўқ эди...".*

Охирги сўзлардан сўнг мантиқан эртакнинг давомини кутасиз. Лекин эртак тугади, айтиб бўлинди. Маъшуқанинг таърифи келтирилди, қадди-қомати, ҳусн-жамоли мадҳ этилди. Унинг нозик белини, хушбичим оғзини бор деса ҳам, йўқ деса ҳам бўларкан. Бири шу қадар ингичка, иккинчиси шу қадар кичик... Шоир бу ерда муболаға санъатининг кичрайтириш усулини қўллаган. Қолаверса, нафақат мумтоз шеъриятда, балки ҳозир ҳам белнинг нозиклиги, оғизнинг кичик ва хушбичимлиги гўзаллик рамзи ҳисобланади.

Мумтоз адабиётимизда маъшуқанинг хипча бели, жонбахш лаблари, дилга ёқимли сўзлар таралувчи оғзи қиёсланган чиройли ўхшатишлар кўп. Масалан, ҳазрат Навоий "ўз замонининг маликул-каломи эрди", дея улуғлаган шоир мавлоно Лутфий санамнинг нозик белини шундай таърифлаган:

Нозуклик ичра белича йўқ тори гисуйи,
Ўз ҳаддини билиб, белидан ўлтирур қуйи.

Яъни сочининг ҳар толаси нозикликда хипча белига тенг кела олмайди. Шу сабабли ўз ҳолини билиб, белидан қуйига тушиб туради. Сочнинг узунлиги-ю, белнинг нозиклиги тасвирини қаранг. Қанчалар гўзал!

Бироқ бел ва оғизнинг тасвирни эртакларимиздаги "Бир бор экан, бир йўқ экан...", деб бошланувчи анъанавий жумла билан бериш бу — янада ҳайратланарли, халқ ижодига ҳамоҳанг гўзал топилма, бу — улуғ шоиримизга хос истеъдод. Фақат мумтоз шеъриятимиздаги бундай бетакрор ифодаларни, гўзалликнинг шарқона ташбеҳларини, размларни ҳис қилмоқ ва улардан завқлана олмоқ керак.

Мақсуд ҲАМРОЕВ

Қарши

"НАВОИЙНИНГ ИЖОД ОЛАМИ"

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ижодини ўрганиш ва нашр этиш борасида кейинги ўн йил — таваллудининг 560 йиллигидан 570 йиллигигача ўтган давр — ютуқларга бой бўлди. Чунончи, Ватанимиз истиқлолининг йигирма йиллик байрами арафасида Навоий асарларининг ўн жилдлиги халқимизга туҳфа этилди. Энг муҳими, улуғ аллома бобомиз ижодини ўрганиш ва оммалаштиришга эътибор давлат мақоми даражасига кўтарилди.

Яқинда "Фан" нашриётида мутафаккир шоир таваллудининг 570 йиллигига бағишлаб "Навоийнинг ижод олами" номли илмий мақолалар, тадқиқотлар тўплами чоп этилди. Бу мазкур тўпламнинг иккинчи китоби, биринчиси шоир таваллудининг 560 йиллиги муносабати билан 2001 йили нашр қилинган эди.

ЎзФА Тил ва адабиёт институти олимлари томонидан тайёрланган янги тўплам Мир Алишер Навоий ижодиётининг бир неча муҳим мавзуларига бағишланган тадқиқотлардан таркиб топган. Уларда Навоий меросининг деярли ўрганилмаган, мустақилликдан кейингина тадқиқ қилиш имконияти туғилган долзарб масалалари эътиборга олинган.

Китобда таниқли олимлар Суйима Ғаниеванинг "Туркия тазкиралари, уларга оид асарларда Навоий", Иброҳим Ҳаққуловнинг "Навоий шеъриятида сўзнинг образга айланиш асослари", Сайфиддин Рафиддиновнинг "Қаландарийлик ва Навоий шеърияти", Қодиржон Эргашевнинг "Навоий насрида матн композициясига доир" мақолалари, навқирон навоийшунослардан Э.Очилов, Б.Ражабова, Н.Ҳасанов, Н.Рамазонов, Н.Бозорова ва бошқаларнинг улуғ шоир ижодиётининг турли масалаларига бағишланган тадқиқотлари берилган. Тўпламдан ёш тадқиқотчиларга кўпроқ ўрин ажратилгани навоийшунослик истиқболи ишончли қўлларда эканидан далолат беради.

"Навоий ижод олами" тўпламини нашрга филология фанлари номзоди Сирдарёхон Ўтанова тайёрлаган.

ЯНГИЧА ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Назаримда, бугунги адабий жараёнда, асосан, учта йўналиш яққолроқ кўзга ташланиб турибди. Булар: тарихий асарлар, маиший ҳаётимизнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги битиклар ва саргузашт воқеалар баёни. Шахсан мени таассуфлантирадиган ҳолат эса фантастик асарларнинг деярли ёзилмаётганидир. Бу жанрни бошлаб берганлардан Тоҳир Малик аллақачон саргузашт-криминал воқеалар ҳақида қалам тебратмоқда, Маҳкам Маҳмудов адабиётшунослик ва таржима билан банд. Умидли фантастлар Ҳасан ва Ҳусан Турсуновлар мураббийлик қилишмоқда, Соҳиба Абдуллаева ва Рустам Обидов янги асарлари билан кўринмаганига кўп бўлди. Ўзим ҳам кейинги даврда ёзган бир-иккита ҳикоядан ташқари ҳеч нарса билан мақтана олмайман. Аммо кейинги пайтларда саргузашт-детектив йўналишда талайгина асарлар яратилаётир. Афсуски, уларнинг аксарияти, асосан, чет элларда "pulp fiction" ("палп фикшн"), деб ном олган шаклга мос. "Pulp fiction"нинг маъноси, бир марта ўқиб, ташлаб юборса бўладиган тўкима, деганидир. Ҳар ҳафта чоп этиладиган кўнгилочар газеталарда бундай тўқималар тиқилиб кетган. Лекин жиддий ва янги йўналишларда ижод қилаётганлар ҳам бор.

Кейинги пайтда ёзувчи Эркин Усмоновнинг ижоди кўпчилик қатори мени ҳам қизиқтириб қолди. Унинг асарларини бошқа бировники билан адаштириб юборолмайсиз, дарҳол танийсиз. 2008 йили у "Ажал хиёбони" номли тўпламини чоп эттирган, китобни саргузашт-детектив қиссалар ва ҳикоялар, деб номлаганди. Аммо бу тўпламдаги асарлар муаллиф номлаган жанрга эмас, кўпроқ мистика ва триллер йўналишларига мос. Бу йил "Шарқ" нашриёти ёзувчининг "Марҳум кеч соат саккизда келади" номли китобини чиқарди. Аввалгисидан фарқли ўлароқ бу китоб "Саргузашт-мистик қиссалар ва ҳикоялар тўплами" деб аталибди. Бу энди анча ҳақиқатга яқин.

Хўш, мазкур жанрнинг қандай ўзига хос томонлари бор? Аввало, "мистика" сўзининг маъносига эътибор берайлик. Бу ибора юнон тилидаги "мистикос"дан олинган бўлиб, сирли, яширин маъноларини беради. Атрофимиздаги реаллик, бир қараганда, оддий кўринади. Одатда, инсон ўз кўзи билан кўрган, эшитган ва танасининг бошқа аъзолари билан ҳис қилган воқеликкагина ишонади. Аммо XXI асрда тараққиёт шу даражага етдики, биз энди кўзимизга кўринмас электромагнит тўлқинларнинг мавжудлигига ишонамиз. Акс ҳолда, радио, ТВ, уяли телефон алоқалари бусиз вужудга келмас эди. Бу – энг оддий ва яққол мисол. Шунингдек, одамнинг онгида ҳам фикр юритиш жараёнида электромагнит тўлқинлар тарқалади ва атроф муҳитга таъсир кўрсатади. Бу фанда тажрибалар воситасида исботланган. Замонавий тиббиёт масканида беморга ташхис қўйишда магнит резонансли томография, ультратовушли текширувлар амалга оширилади. Ушбу жараёнлар ҳам фақат танамиз аъзоларидан тарқалувчи кўзимизга кўринмас тўлқинлар ва уларни "ўқий олувчи" қурилмалар ёрдамида ўтказилади. Демак, танамиз, вужудимиз ҳис қила олмайдиган табиат сирлари мавжуд экан.

Мен ўзимдаги адабиётлар ва интернетдаги ахборотлар ёрдамида мистика жанрининг ўзига хос хусусиятларини ўргангач, шундай хулосага келдимки, бу йўналишда битилган асарларда реал ҳаётдаги воқеалар бошқа, тўрт мучамиз билан ҳис қила олмайдиган сирли ҳодисаларга уйғунлаштирилиб баён қилинади. Бундан мистика тараққиёт билан бирга одимлаётган жанр, деган хулосага келиш мумкин.

Ҳозирги пайтда саргузашт-мистика жанри жаҳон адабиёти ва кино санъатида алоҳида йўналиш саналади. Хусусан, Альфред Хичкок ва Жон Карпентер XX асрнинг 60 — 80-йилларида олган фильмлар ҳозир классик асарлар қаторида тилга олинади. Ривожланган мамлакатларда бундай санъатга қизиқишнинг кучлилигига асосий сабаб шундаки, бундай асарлар ўқувчини сирли, ғайриоддий воқеалар қаърига тушириб, онгига туртки беради.

Мазкур жанрга мансуб асарлар икки хил бўлади. Биринчиси, оддий мистика. Бунда қандайдир сирли воқеалар ҳикоя қилинади, улар, албатта, ўқувчини асар ниҳоясига етгунча ҳаяжонда ушлаб туради. Иккинчиси, фалсафий мистика. Бунисида сирли ва ҳаяжонли воқеалар фалсафий ечим билан якунланади, ўқувчига қандай хатти-ҳаракатлар ҳалокатга олиб боради-ю, қанақалари бахтга, эзгу мақсадга эриштириши бадиий воситаларда кўрсатиб берилади. Назаримда, бу иккала йўналиш ҳам яшашга ҳақли.

Эркин Усмоновнинг янги тўпламида ана шундай икки хилликни кузатамиз. Масалан, "Кўзойнак" қиссаси, "Узук кўзидаги жоду", "Марҳум кеч соат саккизда келади", "Капалак", "Тхарад", "Тўртинчи ҳодиса" каби ҳикоялари биринчи йўналишга мос келса, "Лифтга чиққан беш киши", "Дўстим Горацио", "Панжа орасидаги тилсим", "Лаин", "Ёғий" ва бошқа асарлар иккинчи хилга мансуб. Лекин бу китобдаги ҳар бир ижод намунаси ҳар қандай шароитда ўқувчининг диққатини маҳкам ушлайди. Айниқса, мен баъзи ҳикояларни ўқиб жуда қўрқдим. Йўқ, воқеалардаги сирлилик ва ғайритабиийликдан эмас, ҳаётда разилликка қўл ураётган, нафсига эгалик қилолмай озгина фойда учун виждонини, яқин одамларини сотган кимсалар билан ҳам муносабатлари ёмон. Фарзанди йўқ... Хуллас, борки ёмонлик унинг бошига ёмғирдек ёғилади. Ниҳоят, бир куни у кўзойнак топиб олади. Эгаси чиқмагач, кўзойнакни тақади ва дунё унга кулиб боқа бошлайди. Натижада у маълум муваффақиятларга эришади. Каттаю кичикнинг унга ҳаваси келади. Уйланади, қизчали бўлади. Обрў-эътибор қозонади. Лекин тасодиф туфайли ўша кўзойнакни синдириб қўяди ва яна асл ҳолига қайтади... Бундай асарлар адабиёт тарихида кўп ёзилган. Инглиз фантаст-ёзувчиси Ҳерберт Уэллсдан тортиб яқин ўтмишдаги адибларгача. Бу қиссада мен ўзим учун ҳеч бир янги воқеа, фалсафий фикр ва ибрат бўларли ҳолат топа олмадим. Асар ўтилган дарсни бошқатдан ўтгандек таассурот қолдирди.

Китобингизни ўқадим

Бироқ бундай камчиликларга қарамай, ушбу китобга жамланган аксарият ҳикоялар ёзувчи маҳоратининг ўсганлигини кўрсатиб турибди. Шу маънода дадил айтиш мумкинки, Эркин Усмонов адабиётимизда янги йўналиш — миллий ва замонавий саргузашт-мистика жанрини ривожлантирмоқда. Бу иши учун уни фақат қўллаб-қувватлаш ва табриклаш керак.

Бизнинг тарихимиз, адабиётимиз тарихи шунчалар бойки, очилмаган хазинаки, унинг кўлами тасаввурга ҳам сиғмайди. Бу ерда ўтмишдаги буюк адибу шоирларимиздан, фолклоримиздан, эртакларимиздан истаганча саргузашт ва мистикага оид кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Демоқчиманки, мазкур жанрдаги изланишлар, шубҳасиз, адабиётимизни бойитади, унга ранг-баранг мавзулар, услубларни олиб киради, ва албатта, китобхонлар тафаккурини кенгайтиради.

Озод МЎЪМИН

Доимий ҳамроҳ

"АЛИШЕР НАВОИЙ ВА УСМОНЛИ ШЕЪРИЯТИ"

Атоқли олим Ф.Кўпрулининг ёзишича, XV асрдаёқ "Навоий асарлари турк дунёсининг ҳар томонида — Онадўли ва Румэлида, Хуросон ва Ирокда, Қирм ва Волгабўйларида, шунингдек, туркманлар орасида, ҳатто Ҳиндистондаги турк саройларида ҳам севиб ўқилган".

Алишер Навоийнинг бутун турки адабиётда буюк шоир эканлиги, барча туркий халқлар адабиётига кучли таъсир ўтказгани эътироф этилган, илмий асосланган тадқиқотлар жуда кўп. Жумладан, усмонли адабиёти ва маданиятига Навоийнинг таъсири М.Ф.Кўпрули, А.Н.Тарлан, М.Човушўғли, К.Эраслан, У.Ф.Сартқоя, М.Эсон, Ж.Қурназ каби олимлар томонидан тадқиқ этилган. Уларнинг маълумотига кўра, Онадўлида Навоий ёшлик чоғларида — илк девонлари қўлма-қўл ўқилган пайтларидаёқ — танилган, усмонли давлатининг кўзга кўринган айрим арбоб ҳамда ижодкорлари билан улуғ шоиримиз мактуб ёзишиб турган.

Яқинда "Муҳаррир" нашриётида босилган Юсуф Четиндоғнинг "Алишер Навоий ва усмонли шеърияти" номли китоби айнан шу — Навоий ва усмонли шоирлари ўртасидаги адабий алоқа ҳамда издошлик мавзусини ёритишга бағишланган салмоқли тадқиқотдир. Олим Навоий шахсияти, ижодиёти, XV-XVI асрлар усмонли шоирларига ўтказган таъсири ва самараларини тарихий, илмий, адабий манбалар асосида ойдинлаштирган. Хусусан, Навоийнинг қайси девонидаги қайси ғазалига усмонли шоирлар назира ёки тахмис бойлашган — буларни Ю.Четиндоғ олтмишдан зиёд назиранавис шоирлар ижоди мисолида бирма-бир кўрсатиб, шеърларини изоҳлаб берган. Факт ва маълумотларга бой бу китоб улуғ шоир ижодиёти мухлисларида қизиқиш уйғотиши тайин.

Китобни Н.Ҳасан ва Р.Рўзмонова таржима қилишган. Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи И.Ҳаққул.

Алишер НАЗАР

ИЛДИЗИ ИЙМОНГА ТУТАШ СЎЗДИР БУ

ОЗОДЛИК

Ахир, ҳеч бўлмаса пичирлаб айттил,
Бўғзингда музласин изтироб, қайғу.
Бир марта яшагин, поклангин ахир,
Илдизи иймонга туташ сўздир бу!

Шу сўзга ўхшайди асли тириклик,
Асл саодат ҳам шундан бошланар.
Бу сўзни шунчаки айта кўрмагил,
Унинг-чун жон бера олмасанг агар...

Энг катта шодлик бу, энг буюк фарёд,
Боболар қонида жўш урган туйғу.
Сен уни уйғонмоқ учун айтавер,
Қанча шаҳидларни уйғотган сўз бу!

Ёвқур баҳодирлар руҳи бор унда,
Олис кечмишлардан этади огоҳ.
Бу сўзни тинглаб кўр, лек ажабланма,
Қиличлар жарангин эшитсанг ногоҳ.

Сен уни авайла, бағрингга босгин,
Юрагинг қўрига яширгин мангу.
Муқаддас каломдай такрорла уни,
Ҳаққа олиб борар буюк сўздир бу!

Озодлик!!!

* * *

Синиб кетди сукунат ногоҳ,
Эшитилди қадам товуши.
У сен эдинг, чунки бу йўлни
Билмас эди ҳали ҳеч киши.

Тийрамоҳнинг япроқларидай
Титраб кетди қалбим ногаҳон.
Ахир, ҳеч ким ўтмаган йўлдан
Келар эдинг юракка томон.

Шундан буён кўзларим йўлда,
Ўлтирибман дилхун ва дилгир.
Қадамларинг эшитилару,
Кўринмайсан ўзинг негадир.

Билмам қайда тугади йўлинг,
Мен-чи, ҳамон кутиб турибман.
Келолмадинг, мен эса ҳануз
Шарпанг билан яшаб юрибман.

* * *

Сен ҳақингда айтишар фақат
Ўша маъюс, маъсума толлар.
Сен томонга бошлаб кетишар
Ой сутини ичган хаёллар.

Сенга сафар қиламан яна,
Бисотимда умид ва кадар.
Сени излаб сомон йўлидан —
Борурман то юракка қадар.

Шунда бирдан музлайди руҳим,
Хаёлларга урилар бир оҳ...
Ҳувиллаган юракда сенинг
Хотирангни кўраман ногоҳ.

* * *

Эзиб-эзиб ёғарди ёмғир,
Шамолларга юзингни тутдинг.
Телбалардек кулдинг, йиғладинг,
Сўнгра кетдинг, беомон кетдинг.

Кетаяпсан ҳамон қайдадир,
Изларингда кўзларим гирён.
Сенсиз қолган ўша кечанинг
Ҳали тонги отмади, ишон.

Ишон, ўша совуқ шамоллар,
Қаршисида ҳамон турибман.
Кетолмайман.
Ўша ёмғирли —
Кечаларда яшаб юрибман.

Нигора АБДУРАҲИМОВА

ОНА ТИЛИМ, ЎЗИНГ ОНАМДАЙ СУЮК

* * *

Кўзлардан қўрқмайман, тегса тегарлар, —
Ахир, севамиз-ку бир-биримизни.
Юраклар бир бўлиб урганда, жоним,
Кўзлар ҳал қилолмас тақдиримизни.

Сўзлардан қўрақмайман, айтса айтарлар,
Севсак айб эмас-ку бир-биримизни.
Кун келиб тушуниб, сўздан қайтарлар,
Миш-мишлар ажрата олмайди бизни.

Лаблардан қўрқмайман, қулса куларлар,
Севсак не бўлибди бир-биримизни.
Кўнгиллар бир-бирин тушунса агар,
Кулгу ҳам ажрата олмайди бизни.

Дунёдан қўрқмайман, билса биларлар,
Жондан севамиз-ку бир-биримизни.
Бу дунёда ҳамма ҳайратда қолсин,
Кел, бирга боғлайлик тақдиримизни.

ОНА ТИЛИМ

Илк бор англаганим мўъжиза, сеҳр,
Мени аллалаган адоғсиз меҳр,
Нега таҳсин айтмай мадҳингга ахир,
Она тилим, ўзинг онамдай суюк.

Онамнинг бағрида очдим кўзимни,
Онамдан ўргандим "Ватан" — сўзимни,
Ўшанда танидим ўзим ўзимни,
Она тилим, ўзинг онамдай суюк.
Сен ўлмас қўшиғим, мангу баётим,
Сен умрим мазмуни, нурли ҳаётим.
Буюк аждодимсан, буюк авлодим,
Она тилим, ўзинг онамдай суюк.

АЁЛ

Менинг қирқта эмас, минг жоним ҳалак,
Бир қўлимда бешик, бир қўлда дунё.
Фалакнинг юз мингта дардидан ортиб,
Мурғак кўнгилларга излайман зиё.

Кўзда ёш айланса, шамдай ёнурман,
Ҳар дилнинг қувончи менинг бахтимдир.
Қилдай жоним билан дунё яратдим,
Менга насиб этмиш шундай кун, тақдир.

Адоғсиз тунларни ўтказиб бедор,
Тонгларга Оллоҳдан оқлиқ тилайман.
Ғуборсиз дунёни бағримга босиб,
Мангу мусаффолик, поклик тилайман.

ЁМҒИР

Ёмғир ёғаётир, шивалаб ёғар,
Наинки эгни-бош, бағрим шалаббо.
Кўчада ҳеч ким йўқ... бир-икки йўлчи,
Улар ҳам югурар, бошда соябон.

Мен эса...
Ивиган эгни-бош, ивиган вужуд.
Руҳим шод. Оққушдай учгим келади.
Ажабо, дардларим бўлгандай унут,
Ювилган дунёни қучгим келади.
Нега қочишади соябон тутиб?!

АТИРГУЛ ҚЎШИҒИ

Тонгни шод кутаман
Мағрур тутиб бош.
Тиканлар ичида кечса-да умрим,
Муҳаббат бахш этар руҳимга қанот.
Тонгларга қалбимни тутай кафтимда,
Қоронғу ҳасадлар тунини енгиб.
Мен мангу муҳаббат ҳақда куйлайман,
Ошиқлар бағрига кетайин сингиб.

Ҳикоя

Гулом МИРЗО

АРИҚ ТЎЛИБ БАЛИҚ ОҚҚАН КУН

Қишлоғимиз адоғи қалин ажриқзорга туташиб кетган. Бахмалдек кўклаб ётган бу каттагина майдонда ҳар куни тонг саҳардан қишлоқ хонадонларининг подаси тўпланади. Болалар вақтли туриб, қўй-қўзиларини ана шу чимзорга ҳайдайди.

Ростини айтсам, саҳармардондан уйғонишни, айниқса, кўчага пода қўшгани чиқишни ёқтирмайман. Лекин бунча қўй-қўзи, эчки-улоқ кун бўйи қўрада қоладиган бўлса, уларнинг "оғзига урадиган" ўт топиб бериш ташвиши ҳам бор. Шунинг учун бугун ҳам чорвамизни олдимга солиб, малолат билан чимзор томон жўнадим. Жилла қурса, эски қўрғон биноси олдидаги кўприкдан ўтказиб қўйсам, бас. У ёқда подахона шундоққина кўриниб турибди – серқанинг ўзи етаклаб боради. Баъзида подачилар инсоф юзасидан кўприкка яқин жойга келиб турган бўлади ва кечиккан тўданинг ёш эгасини баланд овозда "Ҳе, уйқучи, эринчоқ!" дея ёлғондакам койиб, сўнг бутун подани номозшомга қадар ўтлатиш учун шитоб билан Қўшқирга ҳайдаб кетади.

Қўйларимни "қўш-қўш"лаб энди кўча бошига чиққандим ҳамки, подахонадан қайтаётган амакиваччаларимга дуч келдим. Бу опа-сингиллар мендан бир ёшга катта-кичик.

– Ариқ тўла балиқ оқиб кепти, – деди мени кўриши билан бидиллаб синглиси. – Билакдек-билакдек экан...

– Ҳозир ариқди суви бойланган, балиқди эса тутиб бўлишди-ёв, – деди ҳовлиққанча опаси унинг гапини чўрт кесиб. Сўнг синглиси гўё катта сирни айтиб қўйганини хушламагандай бир оҳангда қўшимча қилди: – Акамга айтгани келоммиз. Бизаям пиччи тутсайдик.

Улар ортга, мен олдга шаҳд билан жилдик. Қишлоғимиз ўртасидан оқиб ўтадиган Хушвағариқда тенгқурларим билан йилнинг иссиқ дамлари уззукун чўмилиб, биёр[1] билан балиқ тутиб ўрганганмиз. Аммо ҳеч ким, бирон марта бўлсаям, бармоқдан йирикроқ балиқ тутмаган. Шу боис бу ариқда "билакдек" келадиган балиқларнинг "тўлиб оққани" ҳақидаги хабар чиндан ҳам қизиқарли ва ҳайратомуз эди.

Кўприкка яқинлашганимда каттакичик бир неча одам – ҳаяжон ичра – биров қўли, биров қўлидаги уст кийими, яна биров паншаха билан ариқнинг лойқа кўлмаклари атрофида гирдикапалак бўлаётганига кўзим тушди. Кўприк устида тўпланган катта ёшли беш-ўн нафар қишлоқдошларимизнинг юз-кўзи ва гап-сўзидан ҳам кутилмаган ҳайрат аломатлари сезилиб турарди.

– Эрталаб пайтавамни чайқай деб ариқ рошига чиқувдим, – берди Йўлдош тоғам, – сув ўшандаёқ тўхтаган экан. Кўлмакка қўл солишим билан иккита катта балиқ пайтавамга ўралиб чиқса бўладими. Аввалига имоним бир газ сапчиди-я.

– Ҳали кир пайтава билан тутган балиғингизни пиширибсиз, бизди меймонга ҳам чақирарсиз? – қочирим қилди даврадагилардан бири. Ва кулги янгради.

Йўлдош тоғам ўзи содда одам эмасми, боз устига кечаси даладан бемаҳал қайтган бўлса керак, бироз уйқусираб турар ва шунданми, журъатсизроқ жавоб қайтарди:

– Ҳа энди, балиқни лукмаи ҳалол, дейдику. Пайтава билан тутган бўлсамам, ана, супадаги тиниқ сувли сатилга солиб қўйибман...

Аммо тоғамнинг гапи оғзида қолди. Бирдан бутун эътибор кўприкка энг яқин ҳовлида яшайдиган Зиёд тоға сари кўчди. У укаси ва сингиллари билан бирга ариқ томон шаҳдам келмоқда эди.

– Зиёд полвон ҳозиргина бир халта балиқ тутиб, орқалаб кетувди.

– Бу гавдага бир халта балиқ урвоқ ҳам бўлмайди-да...

Полвон ва унинг "команда"си кўприкдагиларнинг бу каби илмоқли гапларига парво қилмай, вақтни беҳуда ўтказмай, жадал ишга киришди.

Кўприк остида иккита ғўлва[2] бўлиб, сув асосан пастдаги ғўлвадан оқар, кейинги ғўлва эса сув кўп келиб қолса ўтиши учун юқорироқда кўмилган эди. Ака-ука қуйи ғўлванинг сув чиқиш жойидаги кенгиш чуқурлик – гумдан сувни сатиллаб олиб, йўл устига сепа бошлади.

Томошани кўринг: ҳар сатил сув билан кўприк устидаги асфалтга 2-3 тадан йирик балиқ биланглаб тушар ва бундан ҳамманинг оғзи каррақдек очилиб қолганди. Полвоннинг сингиллари эса худди одатий ишларини қилаётгандек – даштдан ўтин терган ёки полиздан бегона ўтларни юлиб олган каби – бамайлихотир, айни пайтда ўзига хос бир уқув ва чаққонлик билан балиқларни териб халтага жойламоқда.

Ана-мана дегунча халта тўлди. Сингиллар уни ўттиз қадамча нарига, ўзларининг ҳовли девори олдига олиб бориб, суяк қўйишди. Халтага худди тирик қовунлар жойланганга ўхшар, ҳаракат сезилиб турар, ҳатто қизлар ортга қайрилиб улгурмай, халта ағанаб ҳам тушди. Бироқ улар ишни пухта қилган экан, оғзи боғлиқ халтадан ҳеч нарса тўкилмади. Қизлар эса навбатдаги халтани тўлдиришга ўтди.

Бу ҳолни кузатиб турганларнинг кўнглида ов иштиёқи янада кучайди. Фақат менинг балиқ тутиш хоҳишим йўқ, аввалбошдаги қизиқиш ва ҳайратим ҳам негадир сўниб қолган эди. Қўй-қўзиларимнинг подага қўшилганига ишонч ҳосил қилгач, ариқдан узоқлашиш учун ортга бурилдим.

— Қўрқдингми?

Бу кескин ва кесатиқли саволни катта амакиваччам берган эди.

— Ҳечам-да, – дедим мен ҳам дағал оҳангда.

— Қочиб кетопсан-ку?

— Ким қочопти? Шунчаки, балиқ тутгим кемади.

— Унда менга тутишгин, амак, – гапимизга аралашди синглиси.

Маҳмадана опа-сингилларнинг ғавғосидан қутилишнинг йўли битта, у ҳам бўлса, иккаласига балиқ тутиб бериш эди.

Қирғоқдан туриб ариқ ичини кузата бошладим. Бирдан яқинимиздаги, эгасиз қолдирилган кўлмак ичида қандайдир ҳаракатни сездим. Сездиму тез пастга тушдим. Лойқа сувни астойдил пайпасладим. Шу пайт қутилмаган воқеа, аниқроғи, ноқулай вазият юз берди. Кўлмакдаги балиқ шимимнинг почасидан кириб, юқорига сакради. Мен эса уялганимдан ва силлиқ, муздек тана этимни сескантиргани-дан дарров сувга ўтириб олдим. "Томошабинлар"имнинг кўзини шамғалат қилиб, балиқни озодликка чиқардим. Лекин, ўзимга келиб олгунимча, балиққа эга чиқиб бўлган эди.

Бу орада овчилар ўлжаларидан мамнун ҳолда, уй-уйларига тарқала бошлаган, Зиёд полвон ва укаси кўприк устига чиқариб ташлаётган "тирик қовун"лар сони ҳам анча сийраклашган эди.

Амакиваччаларим эса – бири синовчан, бошқаси умид кўзи билан менга қараб турибди. Нима қилиш керак?

Эрталабдан буён кўприк остига, ғўлванинг сув қуйиладиган томонига ҳеч ким яқинлашмади. Шу кунга қадар ҳам қишлоғимизнинг на катта ва на кичиги чўмилиш ёки балиқ тутиш учун ғўлванинг жангалу қамишлар қоплаган бу хилват қисмига бирон марта яқин келмаган. Биров бу ҳолни кўприкнинг ўнг томонидаги эски қўрғон тарихи билан боғласа, бошқалар бунга кўприкнинг сўл қисмида қачондир мавжуд бўлган қудуқни сабаб қилиб кўрсатади. Эмишки, бир замонлар кўприк тагида қўрғонга ҳам, қудуққа ҳам олиб борадиган ер ости йўли бўлган. Ана шу йўл орқали ариқ суви ўтиб, қудуқ тўлиб қолаверганидан, бола-бақра, мол-ҳол чўкиб кетмасин деб, уни кўмиб юборишган экан.

Одатда, ҳайров[3] пайтида қишлоқ оқсоқоллари кўприкнинг икки томонидаги бир неча қулоч "сирли" масофадаги ариқ қазиш ишини отамга юклашади. Отам эса бу ишга ҳар гал алоҳида тайёргарлик кўрадилар. Чунки ювиниб-тараниб, озода кийинганлари ва иш бошлашдан олдин берилиб дуо ўқиганларига бир неча бор ўзим гувоҳ бўлганман. Қишлоқ одамларини чўчитадиган бу хосиятсиз жойга ҳайровчилар учун чой ташиш баҳонасида яқинлашишга журъат ҳам этганман. Ва, табиийки, бунда отамнинг сўзсиз далдасини сезиб турганман...

Менга ўша далда яна кўмакка келдими ёки амакиваччаларимнинг олдида жасурлигимни кўрсатмоқчи бўлдимми, билмайман. Ҳар ҳолда, ғўлванинг сув кирадиган қисмига журъат билан яқин бордим. Ғўлванинг баландлиги 10-11 яшар бола бўйи баравар бўлиб, мен ўз ёшимга нисбатан тикроқ эканим боис, бироз эгилиб ичкарига назар солдим.

Тиззамдан баланд келадиган сув ичида балиқлар ғужғон ўйнар эди. Кўприк кенг, ғўлва узун, устига-устак, унинг нариги, нишаброқ учи лойқа сувга ботиб тургани учун ғира-шира қоронғулик қоплаган ўрта қисмида нималар борлигини яхши кўролмадим. Ичкарига қадам қўйишдан олдин амакиваччаларим томонга ўгирилдим.

Қизлар қизғин баҳс устида: опаси мени ғўлвага киролмайди деб енгишар, синглиси эса, керак бўлса, нариги томондан чиқиб ҳам кела олишимни айтиб – ҳар бири ўзининг гапини маъқуллар эди.

"Нима бўлса бўлди" дедиму ўзим билган дуоларни пичирлаб, сув ва балиқларнинг қоронғу дунёси сари йўл олдим. Ғўлва ичида ҳақиқатан ҳам балиқ жуда кўп экан. Баъзан росмана йирик балиқларнинг устига оёқ қўйганимдан, тойиниб-туртиниб боряпман. Ичкарилаганим сайин қоронғулик қуюқлашди. Сувдаги балиқларнинг зичлиги ортаётганидан юришим янада оғирлашганди. Тўхтадим. Нафас ростладим. Товушларга қулоқ тутдим.

Зиёд полвон ва укасининг шовқини эласэлас эшитилади. Ака-укаларнинг сатилига дуч келмай, айни вақтда уларнинг ўтакасини ёрмасдан (чунки ичкарида эканимни амакиваччаларимдан бошқа ҳеч ким билмайди!), ғўлванинг нариги томонидан безиён чиқиб олишни ўйлай бошладим. Лекин...

Олдинга бир қадам қўйдиму жойимда қотдим. Қаршимда, ғўлванинг қоқ ўртасида дирилдоқ танали қандайдир сув махлуқи бир кўзи билан мен томонга қараб турарди. Дарров шуни сездимки, қорамтир-қўнғир рангдаги силлиқ, таранг танаси ҳамда сўрғичсимон ёпишқоқ оёқларининг озроқ қисми элас-элас кўриниб турган бу ваҳимали вужуд зинҳор-базинҳор балиқ эмас. Сувда лапанглаб ётган беҳисоб балиқлар орасида "ўзи хон, қўланкаси майдон" ушбу махлуқ менга гоҳ "Оламга саёҳат" телекўрсатувида томоша қилганим денгиз саккизоёғини, гоҳ "медуза"ни эслатса, баъзан "калмар" деган шафқатсиз сув йиртқичи бўлиб туюлмоқда эди. Аслида, дала-даштда, денгизу океанлардан жуда узоқда туғилиб-ўсган ёш бола бу каби антиқа сув ҳайвонларини қайдан ҳам билсин!..

Аввалига бундай ноаниқлик мени саросимага солган бўлса, аста-секин фикр юритиш асносида бир қадар хотиржам торта бошладим. Махлуқни айланиб ўтмоқчи бўлдим. Бекор қилган эканман. Махлуқ калласининг менга кўриниб турган томондаги кўзида нимадир йилт этди. Туйқус ўзимга нисбатан шиддатли таҳдидни пайқадим. Сесканиб кетдим. Баданим бўйлаб гўё сон-саноқсиз чумоли ўрмалади. Шундан сўнг беҳолланиб қолибман. Ҳаракатдан тўхтаб, нима бўлганда ҳам, ўзимни бироз чалғитишим керак эди.

... Бобомизнинг оқ тулпори йўқолиб қолганида, излаш учун шаҳардан синчи келгани ҳақидаги воқеани эсладим. Ўшанда синчи: "Менга ўгрининг излари қип-қизил ўтдек ёниб, кўриниб туради", дея бир кундаёқ отимизни топиб берган экан. Мен ҳам махлуқни яққол кўриб олиш учун синчиклаб кузата бошладим. Бутун вужудим кўзга айлангандек эди. Махлуқ анча йирик бўлиб, танасининг катта қисми сув остида ғўлвани иккига ажратиб, балиқларнинг нариги томонига ўтиш йўлини ҳам тўсиб қўйган экан. Шу сабабли, ғўлванинг мен кирган қисмида балиқлар ғужғон ўйнар, нариги томонда эса улар анча сийрак эди. Зиёд тоға билан укасининг товушлари ҳам эшитилмай қолгани бежиз эмас, демак улар овни тўхтатган.

Зах иси ва балиқ тўла ғўлва ичида мен ва махлуқ бир-биримизга азму қатъият билан тикилдик.

"Йўл бер!", дедим мен хаёлан.

"Қайтганинг маъқул!", дегандек қаради у.

Махлуқ кучли эди, у ўз дунёсида – сув ичида ҳукмрон, энг ёмони, мен учун жумбоқ ва сир-синоат эди.

Мен эса ёш ва журъатли, айни вақтда тажрибасиз, билимсиз...

Рости, мен қўрқдим. Ортга қайтиш керак, аммо ориятим йўл бермасди. Шунда қаҳр билан қўлларимни сувга ботирдим. Ҳайтовур ҳар икки қўлим биттадан балиқнинг жабрасига кириб борганини ҳис этдим. Тутган балиқларим шунақа йирик ва бадбуруш эдики, ҳатто қўйиб юбормоқчи ҳам бўлдим. Ташқарида амакиваччаларимнинг интиқ ва гинали нигоҳларига дуч келишимни ўйлаб, бу фикримдан қайтдим. Балиқларни маҳкам тутганча шиддат билан ғўлва оғзидан чиқдим. Қирғоқнинг яссироқ жойидан қулай йўл топиб, ариқ рошига кўтарилдим.

Опа-сингиллар кетиб қолишган экан. Алам қилди. Начора, энди мен ҳам уйга борсам бўлар...

– Тўхта, балиқни тайла!

Ўгирилиб қарадим. Барот тоға, тракторчи. Қочдим. Қувди. Етиб келмаяптими деб, ортга қараган чоғимда, қоқилиб тушдим. Балиқлар қўлимдан чиқиб кетиб, йўлнинг икки томонида кўпчиб ётган тупроққа буланди, унга қорилди гўё. Барот тоға балиқдан кўрқар экан, питирлаётган жонзотлар тепасида сесканиб, бир муддат тараддудланиб қолди. Менга шу кифоя эди, фурсатни бой бермадим. Бурнининг тагидан иккала балиқни ҳам олдиму урҳо югурдим.

Қулоқларим остида ҳуштак чалаётган шамол одамларнинг гуррос кулгиси ва ҳайқиришлари анча узоқда қолгани ҳақида шивирлаб, мени хотиржам қилган пайтда ҳовлига кириб келдим. Уйда онам далага кетиш олдидан нон ёпаётган экан. Балиқларимни катта тоғорага солдим – бири сузиб кетди, иккинчиси эса тўнкарилиб қолди. Демак, кечгача сақлаб бўлмайди.

Бизга ҳамсоя турадиган дўстим балиқларимни кўргани чиқипти. Онам иши тиғизлигини, ҳозир далага кетиши кераклигини, дўстимнинг онаси даштга бормаслигини ва олиб борсак, балиқларни пиширib беришини айтдилар.

Мен ва икки укам, дўстим билан бирга уларникига йўл олдик. Дарвозахонамиздаёқ отамга дуч келдик. Эл ошини дамлаш учун дала ишидан жавоб олиб қайтибдилар. Отам эшакнинг темирқозиғи билан арқонини менга тутқазганларида, анчагина ушланиб қолишимни билдим ва хафа бўлиб кетдим. Шунда ҳам кайфиятсизлигимни на отам, на шерикларим сезди.

Эшакнинг эгар-жабдуғини ечиб, девор устига олиб қўйдим, қудуқдан сув тортиб, суғордим. Роса чанқаган экан, ўзиям уч сатилдан кўп сув ичди. Сўнг тўртоёқли даҳмазани ҳовлининг ўт-ўланли жойига илдирдим. Сатилнинг тубида қолган сувни қудуқ олдидаги тақрон майдончага сепдим. Токи бошқа мол-ҳол ичмасин ва эшагини тўйгунича суғорганимни отам сезсинлар. Ишларни саранжом этишим билан кўчага чопдим.

Бу орада хийла фурсат ўтган эди. Дўстимнинг ҳовлиси олдида ёғли лаблари йилтиллаб, турнақатор турган учовлон билан тўқнаш келдим.

– Э-э, балиқ пишганда сен биза билан биллamасмидинг? – каловланди дўстим.

– Ширин экан-у, минча-минчадан тейдида, – ўзини оқлаган бўлди катта укам.

– Ака, яна тутиб келинг, – ялинди кичкинаси.

...Кун бўйи тунд бўлиб, бўғриқиб юрдим. Ҳеч ким, ҳеч нарса ёқмайди.

Кечқурун уйга кириб, кўрпага бурканиб олдим. Онам овқатга чақирдилар, бормадим. Даладан толиқиб келган эканлар чоғи, ўзлари келиб қистамадилар, номига бўлса ҳам эламадилар ҳатто... Хўрлигим келди. Узоқ вақтгача тўлғониб ётдим. Ҳамма-ҳамма билан хаёлан сўзлашавердим-сўзлашавердим.

"Онажон, барибир, сиздан хафа эмасман.

Отажон, сиздан асло аразламадим.

Укаларим, дўстим, дўстимнинг онаси, сизлардан гинам йўқ.

Эй, сув махлуқи, сендан зиғирча ҳам қўрққан эмасман..." Кўзим илинган экан. Сокин товушлардан бемаҳал уйғониб кетдим. Отам оҳиста, салмоқлаб гапирар, онам эса жим тингламоқда.

– Бекор қипсан, – дедилар отам. – Болани доим қўллаб-қувватлаш керак. Сен ўша балиқларини пиширib берсанг бўларди. Бутун қишлоқ фақат ўғлимизнинг балиқ ови ҳақида гапирди-я. Бунинг шаштини қара!..

– Ўзим ҳам кейин хафа бўлдим, – дедилар пушаймонлик билан онам.

Ич-ичимдан хўрсиниб юборибман. Уйғоқлигимни сездирмаслик учун нафасимни ютиб, кўзларимни маҳкам чимирдим. Сўнг оҳиста бошимни ёстиқ тагига яширдим.

...Кўнглимдаги ёруғлик тонг нурлари билан жилва талашаётган паллада мен тиниқ бир уйқунинг оғушида эдим.

1.Биёр — дока (шева).
2.Ғўлва — труба (шева).
3.Ҳайров — куз-қиш фаслида бажариладиган ариқ қазиш ҳашари (шева).

ҒАРБДА — РИМ, ШАРҚДА — САМАРҚАНД

Бошланиши биринчи саҳифада.

"Бу том маънода улкан ва ғаройиб тадбир бўлиб, унда дунёнинг турли мамлакатларидан мусиқий жамоалар қатнашадилар, — дейди ҳайратини яширолмаган ҳайъат аъзоси, Сарасвати мусиқа коллежи раҳбари Саини Бал Рам. — Фестивал доирасида ўтадиган анъанавий симпозиумлар, учрашувлар, анжуманлар турли мамлакатлар мусиқачиларининг ижодий мулоқотлари самарали кечаётганини яққол кўрсатиб турибди".

Ўзбек заминидаги мусиқий учрашувларнинг асосий мақсади дунё халқлари миллий мусиқа ва қўшиқ санъатининг ноёб намуналарини, миллий мумтоз мусиқа анъаналарини кенг тарғиб қилиш ва ривожлантиришдан иборат. Шунингдек, ёш авлодда санъатга муҳаббат туйғуларини тарбиялашда, қадриятларни тараннум этишда, халқлар ўртасида дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлашда, халқаро миқёсда ижодий ҳамкорлик доирасини кенгайтиришда мазкур анжуманнинг аҳамияти бебаҳодир.

Дунёда жуда кўп фестивallар бор, улар деярли барча қитъаларда, барча мамлакатларда мусиқанинг барча жанрлари бўйича ўтказилади. Уларнинг деярли ҳаммасида мақсад битта: санъаткорлар ўзларининг халқона ёки классик маҳоратларини намойиш этадилар. Лекин "Шарқ" тароналаридек учтомонлама аҳамият касб этган фестивални билмаймиз. Бу ерда қатнашчилар, биринчидан, тарихий Регистон саҳнида танлов дастурида иштирок этишади, иккинчидан, ўз санъатларини шаҳарнинг турли майдонларида намойиш қилишади. Учинчидан, мусиқашуносларнинг илмий-амалий анжуманлари ўтказилади.

Халқаро анжуманлар дастури ҳар сафар Шарқ халқлари мусиқа санъатининг у ёки бу мавзуини очишга қаратилади. Шу вақтга қадар жаҳоннинг етакчи мусиқашунослари ноёб мавзуларда юзлаб маърузалар ўқидилар. Биринчи фестивалдаёқ "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг декларацияси қабул қилиниб, унда Ўзбекистон Президентига чуқур миннатдорлик билдирилган. Ана шу мурожаатда санъат ва маданият равнақисиз барқарор тараққиётга эришиб бўлмаслиги таъкидланган. Айни пайтда ҳар бир давлат учун анъанавий мусиқа ва маҳорат мактабини сақлаб қолиш ҳамда уни келажак авлодга етказиш асосий вазифа бўлиб қолиши кераклиги алоҳида қайд этилган.

Фестивал ҳақида гап кетганда, унинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимларига тўхталмасликнинг иложи йўқ! Зеро, бу тадбирларда фақат жаҳон халқларининг эмас, ўзбек халқининг ҳам миллий мусиқа маданияти бор бўйбасти билан намоён бўлади. "Барча фестивалларда ўзбек халқининг мусиқий ва вокал санъатини намойиш этишга алоҳида эътибор қаратилади, — дейди таниқли олима, Франциядаги Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ассоциацияси котиби Фредерик Бressанд. — Бу ерда мақомларни фақат жаҳон таниган профессионал санъаткорлар ижросида эмас, шарқ халқлари вокал маданиятининг энг мураккаб жанрини ўрганишга жиддий ахд қилган ёш истеъдодлар ижросида тинглаш мумкин. Айнан уларнинг чиқиши биз учун эсда қоларли энг муҳим воқеа бўлмоқда. Мусиқанинг ана шу мураккаб жанрида куйловчи Ўзбекистон, Озарбойжон, Эрон каби мамлакатлар қатнашчиларининг ижоди халқаро ҳайъат томонидан юксак баҳоланиши ростдан ҳам ҳаққоний иш бўлди".

Шу кунгача дунёнинг турли мамлакатлари санъаткорлари фестивал олий мукофоти — Гран-прига сазовор бўлишди. Бу йил эса юксак мукофот Жанубий Кореянинг "Содо-Содо" гуруҳига насиб этди.

"Бу бизнинг халқимиз миллий санъатига берилган юксак баҳо, — дейишди гуруҳ аъзолари. — Фестивал ташкилотчиларидан миннатдормиз, дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бири — Самарқанд билан танишиш имконига эга бўлдик. Анжуманнинг ҳар бир куни таассуротлар, ҳайрат ва қувончларга бой бўлди. Биз минглаб корейслар учун қадрдон уйга айланган Ўзбекистонга ҳали яна қайтамиз, деган умиддамиз".

Рейес Жакуин раҳбарлигидаги ансамбл Кубадан илк бор келган. "Бизнинг дастуримиз афро-кубинча ва испан-европача оҳанглар асосида тузилган. Мусиқа асоси эса авлоддан авлодга ўтиб келаётган анъанавий ва замонавий оҳанглардан ташкил топган. Бу бизнинг бир-биридан олисда яшаса ҳам, лекин руҳияти жуда яқин халқ билан илк учрашувимиз. Юртингиз одамлари куба оҳанглари ва куйларидан хабардор эканлари мени ҳайратга солди. Халқимиз мусиқа маданиятини хотирангизда сақлаганингиз учун чин дилдан ташаккур".

Оҳангларга бой Африка ҳамиша Ўзбекистонда ўтаётган фестивал билан қизиқиб келарди."Оз фурсатда қадрдон бўлиб қолган бу юрт ҳақида ҳали узоқ сўзлаб юрамиз, — дейишди эр-хотин Рандрианантоандро Скемент ва Геле Мариа. — Биз учун асосийси — фестивалда қатнашганимиз. Бизни тушундилар ва худди ўзлариникидек муносабатда бўлдилар. Шунинг ўзи денгиз ва тоғлар оша келганимизга арзимайдими!"

"Самарқанд заминида юз бераётган воқеалардан ниҳоятда ҳайратдамиз, — дейди Россиянинг "Лидер" гуруҳи раҳбари Алексей Дорохин. — Қадимий меъморий ёдгорлик фонида ўтган ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайдиган бу томошада барча қатнашчилар Ўзбекистоннинг энг яхши жамоалари намойиш этган дастурда рақсга тушдилар. Ўзбек мусиқаси ва оҳангларидан, артистларнинг беқиёс либослари, бетакрор қўшиқлар, одамлар чеҳрасидаги қувончдан эртаклар оламига тушиб қолгандек бўлдик. Фестивалда Россиядан қатнашаётганлар географияси кенгаяётганидан, ниҳоят Россия пойтахти Москвадан келиб, дастуримизни намойиш этганимиздан хурсандмиз. Сизлар одамларни бирлаштириб, тинчлик ва дўстлик рамзига айланган шундай фестивалга ўхшаш катта-катта байрамларни ўтказишга қодир буюк ва бой мамлакатсиз".

Машҳур италян хонандаси Албано Карризи фестивал очилгунча Тошкент ва Олмаликда Татаристоннинг "Қозон" ансамбли билан концерт берди. У мамлакат Президентининг шахсан ўзи қутлаган фестивалнинг фахрли меҳмони эканини ғурурланиб айтди. "Юртингиз ва мусиқий форум ўтаётган бу шаҳар мен тасаввур қилганимдан минг карра гўзал экан, — деди у ҳаяжон билан. — Марко Поло китоби таассуротлари асосида "Ғарбда — Рим, Шарқда — Самарқанд" деган иборанинг ҳаққонийлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Албатта, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг биз санъаткорларга, жумладан менга эътиборидан чексиз миннатдорман. Ҳақиқий жаннатмонанд Ўзбекистонни кўрганимдан, бу ерда мени "Жаноб Феличита" деб номлаганларидан бошим кўкка етди. Кўп фестивалларни кўрганман, кўплаб мукофотларни қўлга киритганман. Лекин бу ерда кўрганларимни ҳеч қайсисига таққослаб бўлмайди! Бу ерда бутун сайёрадан йиғилганлар ва самарқандликлар қуршовида ёшардим, ўзимни навқирон йигитлардек ҳис этдим. Ўзбекистондек тинч-осуда мамлакатда яшаб ижод қилишнинг ўзи бахт! Бу гўзал диёр саҳналарида ҳали кўп бор чиқишни ният қилдим".

Дарҳақиқат, Самарқанд фестивалининг мавқеи йилдан-йилга ортиб, нуфузи юксалиб бораяпти. "Шарқ тароналари" мусиқа фестивали тили, дини, ирқидан қатъи назар, барча халқларни ўзаро бирлаштириш, ёшларда анъаналарга ҳурмат ва эътиқод туйғусини тарбиялаш қудратига эга эканини яна бир бор исбот этди.

Флора ФАХРУТДИНОВА

ХАЛҚ КУЙЛАРИ — БИТМАС ХАЗИНА

Олақанот ҳаккалар,
Шоҳдан шоҳга қўнасиз.
Чуғурлашиб нимадир
Излаб топган бўласиз.

Бу қўшиқни эшитганда беихтиёр болалигимиз ёдимизга тушади. Қулоқларимизга сингиб кетган ўша машҳур қўшиқ қайсидир шўхликларимиз, ўйинқароқликларимизни эслатгандек бўлади. Бу таниш оҳанг барчамизга маълум бўлса-да, кўпчилигимиз унинг композитори билан қизиқмаганмиз. Қўшиқ муаллифи, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, композитор Надим Норхўжаев билан суҳбатимиз санъатнинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти хусусида кечди.

Учрашув

— Надим ака, келинг, суҳбатимизни каттаю кичикка бирдек манзур "Олақанот ҳаккалар" қўшиғи яратилишидан бошласак.

— Ҳарбий хизматга боргач, вокал чолғу ансамблига қатнашиб турдим. Бу ерда мусиқа ва матнни уйғунлаштириш, кўпгина оҳангларни нотага тушириш сирларини ўргандим. Санъатга кириб келишим ана шундай бошланган. Хизматдан қайтгач, бир куни қўлимга Наримон Орифжонов китоби тушиб қолди. Ундан "Чамандаги гуллар", "Яхши бола" "Оқ каптар", "Каклигим" ва "Олақанот ҳаккалар" шеърларини танлаб олиб, куй басталадим. "Булбулча" болалар ансамбли бошлиғи Шермат Ёрматовга олиб бордим. Кейинроқ болалар хори томонидан ижро этилди. Шунингдек, бу қўшиқни "Пахтаой" вокал чолғу гуруҳи ҳам ижро этди. Шу тариқа "Олақанот ҳаккалар" барча мактаблар ва таълим муассасаларида бирин-кетин жаранглай бошлади. Эстрада йўналишида ижро этилгани учунми, оммалашиб кетди. Ана шу муваффақият янада ғайрат билан ижод қилишга ундади. Қўшиқларим дастлаб "Булбулча" болалар хори томонидан ижро этиларди. Ҳозирга қадар икки юзга яқин асар яратган бўлсам, тенг ярми болалар қўшиқларидир. Болалар учун қўшиқ ёзиш анча мураккаб ва масъулиятли. Улар қалбига мос оҳанг ва сўзни топгунча кўп изланишга тўғри келади. Баъзида эса тўсатдан хаёлга оҳанг қуйилиб келади. "Гуллар маним кулганим" қўшиғи ўн беш дақиқада ёзилган бўлса, "Бобохўроз" устида бир неча ой ишлашга тўғри келган.

— Куй басталашда қайси жиҳатларга эътибор қаратасиз?

— Ҳар бир чолғунинг ўз овози, оҳанги бор. Айниқса, эстрада ижрочилигида ана шу жиҳатга алоҳида аҳамият бериш керак. Саксофоннинг имкониятлари фортепианодан бутунлай фарқ қилади. Қўшиқ руҳи, характерини топишда овоз муҳим рол ўйнайди. Таниқли шоир Пўлат Мўмин шундай деган эди: "Агар қўшиқ матни ўн олти сатрдан иборат бўлса, ҳеч бўлмаганда унинг бир мисрасида янги фикр, мазмун бўлиши керак". Бу қўшиқ яратишнинг энг нозик нуқтаси. Одатда, ана шу жиҳатни ҳисобга оламан. Матн қанча тиниқ ва равшан бўлса, куй ҳам шунча тез ва соз яралади. Жуманиёз Жабборов, Қамбар Ота, Рауф Толиб шеърларига басталанган куйларда шу жиҳатларга эътибор қаратганман.

Ижро турлари орасида хор хийла мураккаб жанр. Айниқса, болалар хори. Эркин Воҳидовнинг "Дарахтлар суҳбати", "Нима мазали?" шеърларига ишлаган туркум қўшиқларимиз ҳам жиддий изланишлар натижасидир. Бу асарларда турли дарахтлар ва мевалар "суҳбат" қуради.

Шеър — яхлит асар. Унга мусиқа басталаш эса ана шу асарни янги бир шаклда, янги йўналишда, бойитилган ҳолда тингловчига етказишдан иборат. Эндиликда нафақат болалар, балки катталар учун ҳам қўшиқлар ёзяпман. Ватан, тинчлик, шаҳримиз гўзалликлари мавзуларида бир қанча куйлар яратдим. "Ватан тинч — сен тинч", "Ўзбекистонсан" каби туркум қўшиқларимиз кўпгина танловларда эътироф этилди, совринли ўринларга муносиб кўрилди.

— Кўп йиллардан буён Ўзбекистон давлат консерваториясида эстрада чолғу ижрочилиги йўналишида фаолият кўрсатиб келяпсиз. Устоз сифатида шогирдларингизга қандай маслаҳат берасиз?

— Устозларим мени қандай тарбиялаган бўлса, мен ҳам шогирдларимга шундай муносабатда бўлишга ҳаракат қиламан. Доимо бир гапни такрорлайман: куйда сенинг ўзинг, ўзлигинг акс этсин. Чунки уни сен яратгансан, эртага ана шу куйнинг муаллифи сифатида сенинг номинг тилга олинади. Ҳақиқатан, куй бастакорнинг юзи ва қиёфасидир.

Талабалар — ўрганувчи гуруҳ. Бу жараёнда камчиликлар, қайтариқлар бўлиши табиий. Энг муҳими, уларни вақтида тушуниб олса бўлгани. Бирор куйни басталаш унчалик қийин юмуш эмас. Уч-тўрт оҳанг уйғунлигини топиб, озгина жило берилса куй тайёр. Аммо бу ҳали ижод эмас. Ҳақиқий ижод — бу янгича наволарни яратиш демак. Бу эса мунтазам ижодий изланишни тақозо этади. Тўғрисиям, бирон асар яратсангиз дастлаб яхшига ўхшаб туюлаверади. Бир неча кун ўтиб, қайта эшитсангиз, камчиликлари сезилиб қолади. Демак, уни янада "пишитиш" керак. Шундай ижод қилингки, яратган куйингиз аввалгисидан яхшироқ чиқсин. Шу маънода, мусиқа мактаби ўқувчилари учун бир неча дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрладик. Биринчи ва иккинчи синфлар учун тайёрлаган қўлланма ва дарсликларимиз қайта-қайта нашр этиб келиняпти. Улар ёшларимизнинг мусиқа илмини янада чуқурроқ ўрганиши, мусиқа қудрати ва сеҳрини янада теранроқ ҳис этишларида муайян даражада ёрдам бўлади, деб ўйлайман.

— Кейинги пайтларда эстрада ижрочиларининг халқ оғзаки ижоди оҳангларига ҳам тез-тез мурожаат қилишаётганига гувоҳ бўляпмиз. Сиз буни қандай изоҳлайсиз?

— Яқинда "Импровизация" номли китобим нашрдан чиқди. Унинг бир боби шу мавзуга бағишланган. Унда халқ куйларида эстрада ижрочилигига хос бой оҳанглар мавжудлигини илмий асослашга ҳаракат қилдим. Агар биз улардан ўз ўрнида ва оқилона фойдалана олсак, ҳозирда мавжуд анчамунча камчиликлар ўз-ўзидан бартараф этилади. Албатта, ёшлар доимо янгиликка иштиёқманд бўлган. Уларга мос мусиқа яратиш ҳам бизнинг зиммамизда. Эътибор берган бўлсангиз, Абдулла Шомаърупов ижро этган "Хоҳ инон, хоҳ иноннма" ашуласида ҳам шакл, ҳам оҳанг янгиланди. Ашула замонавийлашди, сайқал топди, бойиди. Халқ куйлари, халқ маданий меросига мурожаат қилиш, уларни янада бойитиб, замонавий миллий куйлар яратиш бастакорнинг бурчи. Бир композиторни биламан, у дутор садоларини фортепианога тушириб, янги шаклда ижро этди. Халқ мусиқий меросини замонавий чолғу асбобларида ижро этиш миллий мусиқамиз географияси кенгайиши учун имкон яратади.

— Албатта, янгиликка интилиш, айниқса ижод аҳли учун энг муҳим фазилат, бахт. Шу маънода, ижодкор бахти нималарда деб ўйлайсиз?

— Аслида, мен каби композиторликни касбу кор деб билган ижодкорлар учун янги бир қўшиқ яратишнинг ўзи бахт. Қўшиқларимизнинг элу юртга манзур бўлиши, айниқса давлат томонидан эътироф этилиши — бу энди чинакам маънода унутилмас воқеа. Мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига биноан "Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби" унвони билан тақдирландим. Бу хушхабарни эшитиб, беҳад хурсанд бўлдим. Яқин дўстларим, ҳамкасбларим қўнғироқ қилиб табриклашганида қалбим ғурур ва ифтихорга тўлди.

Давлатимизнинг бу юксак мукофоти, шубҳасиз, ҳам педагог, ҳам композитор сифатида янада завқу шавқ, жўшқин илҳом билан фаолият кўрсатишга даъват этади. Маълумки, ёш истеъдодлар энг зарур билим ва кўникмани аввало олий ўқув даргоҳида олади. Шу боис консерваторияда талабаларнинг ўқув репертуарини бойитиш, уларни мусиқа санъати янгиликлари билан таништириб бориш мақсадида бир қанча дастурий лойиҳалар устида ишлаяпман. Шунингдек, янги-янги асарлар яратиб, эстрада ижрочилигига ўз ҳиссамни қўшиш ниятидаман.

Шоҳсанам ХИДИРОВА суҳбатлашди.

"ЎЗИМИЗНИНГ ЎТКИР АКА"

Эътироф

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ўткир Тоҳиров элда қадр топган фидойи инсонлардан. Унинг бахши-шоирлар, ўланчилар, аскиячи ва қизиқчилар, дорбозлар кўрик-танловларида, фолклор фестивалларию халқ сайилларида елиб-югуриб юрганига кўп бора гувоҳ бўлганмиз.

Ўқишни тугатгач, Ўткир ака дастлаб мактабда, кейинчалик Маданият уйида бадиий раҳбар лавозимида ишлади. Иш жараёнида бадиий ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш, қўшиқ ижрочилиги ва халқ театри соҳасини тараққий эттириш, янги талантларни кашф этиш, айниқса, ёшлар ўртасида маданий ишлар самарадорлигини ошириш борасида тажриба орттирди.

Тошкент шаҳридаги марказий маданият ва истироҳат боғида йўриқчи, кейинчалик бадиий раҳбар бўлиб ишлаганида эса боғни ўзига хос маданият ва санъат масканига айлантиришда жонбозлик кўрсатди. Бу ерда "Гул сайли", "Сув сайли", "Ҳосил байрами", "Табассум сайли", "Мумтоз қўшиқлар навоси" каби тадбирларни ўтказди, шунингдек, ёшларга мўлжалланган "Карнавал оқшоми"да ташкилотчи ва режиссёр сифатида ўз маҳоратини намойиш этди.

Кейинчалик ҳозирги Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи директори этиб тайинланди. Ўткир ака боғнинг янада кўркам, кўримли ва гўзал бўлиши йўлида фидокорона меҳнат қилди. Унинг саъй-ҳаракатлари ва ташаббуси билан ташкил этилган "Барҳаёт анъаналар", "Табассум" — боғ меҳмони", "Муштум" кечалари", "Аския кечалари", "Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз" каби тадбирлар боққа ташриф буюрган дам олувчиларда катта таассурот қолдирди. Боғда янги чойхона ташкил этилди ва унда дам олиш кунлари машҳур санъаткорлар билан учрашувлар, таниқли шоир ва адиблар иштирокида адабий кечалар, йирик олимларнинг давра суҳбатлари, аскиячи ва қизиқчиларнинг чиқишлари ўтказиладиган бўлди. 1980 йилдан ҳозирга қадар Маданият ва спорт ишлари вазирлиги халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази раҳбари ўринбосари вазифасида хизмат қилиб келаётган Ўткир Тоҳиров ижодий фаолияти мобайнида вақтнинг қадрини билиш ва унинг ҳар бир дақиқасини эзгу ишга бахшида этишдек ақидага амал қилиб яшади.

Ўткир ака бу соҳада иш бошлаган ўтган асрнинг 80-йиллари бошида фақат иккита кўрик-танлов ўтказиларди холос. Ҳозирда эса фолклор санъати билан боғлиқ бундай танловлар сони йигирмадан ошиб кетди. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин халқ ижодиётини тиклаш ва ривожлантиришга катта эътибор берилиши натижасида кўрик-танловлар, фолклор байрам-сайллари, халқ санъати фестивалларини ва шу каби маданий-маърифий тадбирларнинг кўлами ғоятда кенгайди.

Илмий сафарлар давомида мамлакатимизнинг қай бир ҳудудига бормайлик, ҳамма жойда, ҳатто олис-олис қишлоқларда ҳам бу одамни "Ўзимизнинг Ўткир ака!", дея энг яқин қадрдонидай суюниб кутиб олганларини кўрганман. Ана шундай пайтларда Ўткир аканинг умр йўли ҳам, таъбир жоиз бўлса, халқ ижоди Билан чамбарчас боғланиб кетганини ҳис этганман.

Истиқлол йилларида Тошкент, Фарғона, Наманган, Ангрен, Зомин шаҳарларида ўтказилган ўлан ва лапар ижрочиларининг республика кўрик-танловлари, "Ўлан айтгани келдик" номли фолклор фестивallари, Тошкент шаҳридаги F.Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўланчилар иштирокида ўтказилган маданий-маърифий тадбирлар туфайли ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодининг энг қадимий жанрларидан бири ҳисобланган ўлан ижрочилиги янги тараққиёт босқичига кирди. Бунда ҳам Ўткир аканинг ҳиссаси бор. Бевосита унинг ташаббуси билан маданият ва санъат соҳасида эришилган ютуқларни кенг кўламда тарғиб қилиш мақсадида "Халқ ижоди поезди" ташкил этилди.



Ўткир Тоҳиров фолклор-этнографик жамоалари ижоди, фолклор ижрочилари, халқ усталари, ҳунармандлар, бахши-шоирлар, аскиячи ва қизиқчилар ҳақида буклетлар, ижодий портретлар, тўпламлар чоп эттирди. Унинг ушбу сатрлар муаллифи билан ҳамкорликда халқ оғзаки бадиий ижодини тўплаш ва тарғиб этиш масалаларига бағишланган "Остонаси тиллодан" номли китоби нашр этилган. У фолклор-этнографик жамоалари билан биргаликда дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатларида халқаро фолклор фестивалларида қатнашиб, халқимиз бадиий даҳосининг нечоғли буюклигини кўрсатишга ҳисса қўшди. Хусусан, 2009 йили Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройининг "Сардоба" фолклор-этнографик ансамбли билан Болгарияга қилган ижодий сафари самарали бўлди. Мазкур жамоанинг Зарафшон воҳаси аҳолисининг ўзига хос урф-одат ва маросим қўшиқлари асосида Ўткир Тоҳиров томонидан саҳналаштирилган "Лачак тўйи" томоша дастури халқаро фолклор фестивалининг бош совринига муносиб кўрилгани халқимиз ижодий салоҳиятининг эътирофидир.

"Меҳнат қилган — элда азиз" дейдилар. Ўткир Тоҳировнинг кўп йиллик самарали меҳнатлари истиқлол йилларида муносиб баҳосини олди. 1992 йили "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" унвони, 2006 йили "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланди.

Умрининг табаррук палласига қадам қўйган Ўткир ака шу кунларда ҳам ҳар куни эрта тонгда янги ижодий режалар билан остона ҳатлаб ишга отланади. Уни халқимиз номоддий маданий мероси ёдгорликларини муҳофаза қилиш, тарғиб ва тадқиқ этиш мақсадида ташкил этилган навбатдаги ижодий сафарлар кутмоқда.

Маматқул ЖЎРАЕВ, филология фанлари доктори, профессор

Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри жамоаси пойтахтимиз томошагоҳлари орасида биринчилардан бўлиб мавсумни бошлади. Театр санъаткорлари мухлислари учун янги совғалар ҳозирлаган. Жузеппе Вердининг "Трубадур" операси, Улуғбек Мусаевнинг "Тўмарис" балети, шунингдек узоқ танаффусдан сўнг Иоганн

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Штраусннг "Кўршапалак" опереттасини томошабинларга тақдим этиш режалаштирилган.

Айни пайтда театр биносида таъмирлаш ишлари амалга оширилаётгани туфайли спектакллар "Туркистон" саройида ўтади.

* * *

Тошкентдаги Киночилар уйида "Спорт — кино ва телевидениеда" халқаро фестивалини ўтказишга бағишланган матбуот анжумани бўлди. Бу йил олтинчи бор ташкил этилаётган анжуманга Хитой, Австрия, Италия, АҚШ, Австралия каби мамлакатларда яратилган турли жанрдаги асарлар тақдим этилди. Тадбирда юртимизда спорт мавзуида суратга олинган қирқдан ошиқ филмлар ҳам намойиш қилинади. Ижод намуналари олти йўналиш бўйича сараланиб, биринчи ўринга лойиқ топилган асарлар Италиянинг Милан шаҳрида ўтадиган халқаро фестивалга тавсия этилади. Ғолиблар шу йилнинг октябр ойида пойтахтимизда ўтиши режалаштирилган кинофестивалда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

ОЛТИН МЕРОС ЗАРВАРАҚЛАРИ

Кўргазма залларида

Тасвирий санъат галереясида Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган "Олтин мерос зарварақлари" кўргазмаси очилди. Унда 1994 йилдан буён галерея тўпламидан жой олган рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, нумизматикага доир асарлар ва қўлёзма китоблар томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Кўргазмадан Александр Волков, Надежда Кашина, Сергей Юдин, Рашид Темуров, Раҳим Аҳмедов, Неъмат Қўзибоев, Абдулҳақ Абдуллаев, Баҳодир Жалолов, Жавлон Умарбеков, Алишер Мирзаев, Акмал Нур, Жамол Усмонов, Файзулла Аҳмадалиев, Шаҳноз Абдуллаева, Бобур Исмоилов ва бошқа кўплаб рассомларнинг мустақиллик ғоялари ҳамда она замин саховати ва мўъжизасини тараннум этувчи энг сара санъат асарлари ўрин олган. Илк бор намойиш этилаётган асарлар ҳам томошабинлар ва мутахассислар эътирофига сазовор бўлмоқда.

Алексей ПАПОВ олган суратлар.

Анвар ОБИДЖОН, Ўзбекистон халқ шоири

СЕНИ ЎЙЛАЙВЕРАМАН, ВАТАНЖОН!

ВАТАНЖОН

Балодан асрай деб тумор бўламан,
Номинг улуғловчи шиор бўламан,
Ухлаб уйғонгунча хумор бўламан,
Ватанжон!

Сен ўзинг кулбамсан, сен ўзинг – олам,
Сен ўзинг отамсан, сен ўзинг – болам,
Ёпилгим – ўзинг, сен – бошда оқ толам,
Ватанжон!

Меҳрингни кўрпадек ёпиниб ўттум,
Ҳар дарахт, тошингга топиниб ўттум,
Бағрингда юриб ҳам соғиниб ўттум,
Ватанжон!

Ўзимдан кўп сени ўйлайвераман,
Бўйингни жаҳонга бўйлайвераман...
Қабримда ҳам ҳуснинг куйлайвераман,
Ватанжон!

ТИҒИЗЛИК ИЧРА

Барчани ўз ёнига чорлар,
Сайрар, сайрар, ҳеч учиб кетмас.
Қизиқ! Нега мендан ўзгалар
У шўрликни кўрмас, эшитмас?

Четда сайрар жажжи бир... қулгу!

ҚЎҚОНЧА ШАМОЛ

Томни тешиб, дарахтларни букиб ўтди,
Боғлардаги бор мевани тўкиб ўтди,
Увлаб, бизни чангиттанча сўкиб ўтди
Набивой Боқийга ўхшаган шамол.

УЙҚУСИЗЛИК

Қиш нафасин туймоқда умр,
Томирларда қизил жон нотинч.

Ҳилвираган юракдан бир-бир
Тўкилади қовжироқ илинж.

Тунми бу ё қазилган турбат?
Совуқ чангал ғижимлар онгни.
Бу тундан соғ чиқмоқлик – омад,
Бахтдир кўрмоқ яна бир тонгни.

БЎЗАФУРУШНИНГ ЧАҚИРИҚЛАРИ

Бу дунё, айш-қувонч – Худонинг мулки,
Бермаслик, хасислик – Шайтоннинг ҳулқи,
Ваъзхонлик қилмоқдан мақсадим шулки,
Топилса, шукур деб ичавер, бўтам!

Минг элат безатар насибанг кўшкин,
Тушар гоҳ қаламшир, гоҳ болға ишқинг,
Май турса, дил тортса, бу ҳам бир ризқинг,
Пирларим, узр, деб ичавер, бўтам!

Китобдан Термизий битигин дейин:
"Ким соқий, ичсин у ҳаммадан кейин",
Доно сўз айтса, биз лодонга қийин,
Маъноси чуқур деб ичавер, бўтам!

Қайданам оламга келибсан дайдиб,
Бир учсанг, во дариғ, қўнмассан қайтиб,
Не берса, эгамга салламно айтиб,
"Э, соғ, жим ўтир!" деб ичавер, бўтам!

ТИЛАК

Ёлғизлик даҳшатдир,
Ёлғизлик ёмон,
Дўстнинг жонин мендан олдин олмасин.
Токи боласига излар экан нон,
Ҳатто душманларим дўстсиз қолмасин.

ОТАЛИК БАХТИ

Тангримдан розиман минг бор, минг марта,
Меҳрибонлик қилиб, эҳтиёт шартдан –
Ўғил берди менга бештасин жамлаб.

Ўлсам-у, дўстларим кечикса агар,
Тобутни тўрт ўғлим елкага олар,
Биттаси олдинда борар отамлаб.

ПУЛ ҲАҚИДА РИВОЯТ

Келади. Кетади. Келади...
Кексанинг қўлида тўлади,
Йигитнинг қўлида сўлади,
Аёлнинг қўлида ўлади.

ЭЛЕКТРОНИКА АСРИ

Мўъжизалар бугун бесаноқ,
Фан-техника ғовлар бетиним.
"Ҳой, эр!!!" дея жанжал қўзган чоқ
Пультни босдим – ўчди хотиним.

ШОИРЧИЛИК

Қайчи ўйнаб чарчамади вақт,
Қайчилади тинмай умримни.
Сатрларда шуълаланган бахт
Сўриб олди кўздан нуримни.

Қалам билан сирлашиб ўсдим,
Тикдим илҳом парисига жон...
Вафодорроқ дўст топди дўстим,
Эрга тегди мен севган жонон.

ОЛМАНИНГ ХОСИЯТИ ПЎСТИДАМИ?

Олма севиб истеъмол қилинадиган неъматлардан бири. Унинг таркибида темир ва С дармондориси кўп. Баъзилар ошқозонида яраси борлар шўр олма ейиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Бу гап у қадар тўғри эмас. 150 грамм тош босадиган ўртача олмада атиги кунлик эҳтиёжнинг бир фоизидан ошмайдиган миқдордагина темир моддаси мавжуд. Аскорбин кислотаси ҳам нисбатан кўп эмас — 7 миллиграмм ёки кунлик эҳтиёжнинг 11 фоизи даражасида. Таққослаш учун айтиш мумкинки, бу модда апелсинда бундан ўн баробар кўп. Олма меъдасида яраси борлар учун ҳатто фойдали. Италиялик олимлар олма аспириннинг ошқозонга салбий таъсирини жиловлаб, фойдали таъсирга халақит бермаслигини аниқлашди. Шу сабабли юрак хасталиги борлар ва доимий равишда шу препаратларни қабул қилувчи беморлар ҳапдори устидан олма ейиши мақсадга мувофиқ. Бўғимлари оғрийдиган кишилар ҳам шу турдаги дорилардан фойдаланганда олма истеъмол қилиб турганлари яхши.

Олманинг шифобахшлиги яна шундаки, уни истеъмол қилаётганда мевадаги нитратлардан сўлак безларида азот оксиди ҳосил бўлади, бу модда сўлак билан меъдага тушаётиб, нафақат сизни ошқозон ярасидан, айни чоғда, саратон ўсмаларидан ҳам ҳимоялайди. Олма таркибидаги катехинлар ва хлороген кислотаси бу фойдали модданинг ишлаб чиқарилишини кучайтиради. Айни чоғда, нитратлардан зарарли моддалар ҳосил бўлиши олдини олади.

Олма таом ҳазм бўлиш тизими учун бетакрор неъмат ҳисобланади. Экспериментларда олманинг жигар ва йўғон ичакда саратон тўқималари кўпайишига тўсқинлик қилиши исботланган. Фақат клюква (ертут) экстрактигина бу борада олма экстрактига тенг келади, ҳатто озроқ устунликка ҳам эга.

Соғлиғинг — бойлигинг

Олимлар экспериментларда икки хил: олмани пўстини арчмай ва пўсти арчилган ҳолда экстракт тайёрлаб кўрдилар. Пўсти билан бирга тайёрланган олма экстракти саратонга қирон келтиришда катта самара бериши аниқланди. Негаки, олма пўсти таркибида антиоксидантлар кўп экан. Масалан, энг кучли антиоксидант ҳисобланган флавоноидлар олманинг пўстида меванинг ўзидагига қараганда икки-уч баробар, фенол кислоталари эса олти баробар кўп. Антиоксидантлар фаоллиги ҳам олма пўстида юқори экан. Бундан шундай хулоса келиб чиқади: олма истеъмол қилаётганда унинг пўстини арчишга ҳожат йўқ.

Олманинг пўсти махсус текшириб кўрилганда таркибида тритерпеноидларга тааллуқли 12 хил янги модда топилган. Улар ҳам жигар, кўкрак ва йўғон ичакдаги хавфли ўсма тўқималари кўпайишини жиловлайди. Бу моддалар улардан махсус ҳапдорилар тайёрлаш мақсадида жиддий ўрганилмоқда. Ҳамширалар саломатлигини тадқиқ этиш бўйича халқаро тадбир иштирокчилари кўп йиллар мобайнида 80 минг нафардан зиёд оқ халатли аёллар соғлиғини назорат қилиб, шундай фикрга келишди: аёлларда ўпка саратонини кескин камайтириш учун улар кунига бир дона олма ейиши кифоя экан.

Олма ўпка ва, умуман, нафас йўллари тизими учун ниҳоятда фойдалидир. Олманинг бронхлар дамқисмаси ривожланишини сезиларли даражада камайтиришини биринчи бўлиб англиялик олимлар аниқлашди. Улар ҳатто ҳафтасига атиги иккита олма истеъмол этилганда ҳам бу хасталик шифоси учун фойда беришини исботладилар. Ушбу натижани катта ёшдаги одамларни текшириб кўрган австралиялик ва финляндиялик олимлар ҳам тасдиқлашди. Фин олимлари бошқа табиий неъматларда бундай хусусият йўқлигини аниқлашди. Нидерландиялик олимлар 13 мингдан зиёд катта ёшдаги кишиларни текшириб, олма ва нок нафас олиш тизимига яхши таъсир кўрсатишини аниқладилар: ҳафтасига олмани беш донадан камайтирмай истеъмол қилиб юрувчиларда ўпка ҳажми катта бўлар экан. Кўплаб тадқиқотларда эса олманинг қон томир ва юрак учун ниҳоятда фойдали экани исботланган, яъни олма атеросклероз билан боғлиқ инфаркт, инсулт ва бошқа хасталиклардан муҳофаза қилади.

Олманинг шифобахшлиги сири таркибининг антиоксидантларга бойлигидадир. Таркибида фенол ва флавоноид антиоксидантлари миқдори турлича бўлишига қарамай, олманинг барча навлари фойдалидир. Улар "бўш радикал", деб аталувчи зарарли моддаларни хавфсизлантиради ва бу билан қариш жараёнини секинлаштиради, зарарли мутациялашувни бартараф этади ва ҳоказо. Худди ҳапдориларга ўхшаб, генлар фаолиятини кучайтиради ёки сусайтиради, рецептор ва ферментлар ишини тартибга солади. Умуман, антиоксидантлар одамга дармондорилар каби зарур. Олмадаги каби ранг-баранг антиоксидантларни бошқа бирор неъматда учратиш қийин.

ТЕЛЕВИЗОР УМРНИ ҚИСҚАРТИРАДИМИ?

Айтишларича, австралиялик олимлар телевизор қаршисида ўтган ҳар бир соат томошабин умрининг 22 дақиқасига зомин бўлишини ҳисоблаб чиқишибди.

— Ҳар бир салбий омил, шу жумладан, электромагнит нурлари ҳам ҳар кимга ҳар хил таъсир кўрсатади, — дейди геронтология илмий-клиник маркази директори В.Шабалин. — Ишонч билан айтиш мумкинки, агар кунига фақат бир соат телевизор кўрсангиз, саломатлигингизга ҳеч қандай зиён етмайди. Бироқ кунига 5-7 соатлаб "ойнаи жаҳон" қаршисида ҳаракатсиз ўтириш саломатликка, бинобарин, умрзоқликка ҳам салбий таъсир кўрсатиши, шубҳасиз.

ТИШ ҚАНДАЙ ТОЗАЛАНАДИ?

Дўконларда юз хилга яқин тиш ювиш пасталари, ўнлаб турдаги тиш чўткалари бор. Шифокорлар берган маълумотга қараганда, улардан наф кам. Негаки, ёши олтмишдан ошганларнинг 18 фоизида умуман тиш йўқ, ўсмирларнинг 40 фоизи эса пародонта ва кариес хасталикларига чалинган. Бундан шундай хулоса чиқади: тиш чўтка ва паста ишлаб чиқарувчиларнинг аксарияти рекламага зўр бериб, харидорларни бемалол алдайди.

— Шу сабабли рекламаларга у қадар ишониб қолмаслик керак, — деб ҳисоблайди Стоматология илмий-тадқиқот институти шифокори О.Поповкина. — Масалан, "шифобахш паста" деган ёзувлар ёлғоннинг айнан ўзидир. Гоҳида паста табиий маҳсулотлардан тайёрланган, болаларга бемалол ишлатса бўлади, деб ёзишади. Бу ҳам ёлғон. Умуман, табиий пасталар ишлаб чиқарилмайди. Агар консервант қўшилмаса, у дарров айниб қолади. Бундай пасталарни фақат музхонада сақлашга тўғри келади. Болалар ютиб юборганда салбий таъсир кўрсатмайдиган пасталар ҳам йўқ. Шу боис, бундай кимёвий моддалардан болаларни эҳтиёт бўлишга ўргатинг.

Тиш пастаси таркибини синчиклаб ўқинг. Масалан, "хлорид олова" деган ёзувдан қўрқиб кетманг. Бундай бирикмали модда тишнинг қаттиқ қатлами сезувчанлигини камайтиради, нуқул реклама қилинаётган "триклозан"га қараганда бактерияларни самаралироқ бартараф қилади. Бироқ шуни унутмангки, бактерияга қарши моддалар қўшилган пасталарни ганаффуссиз уч ҳафтадан ортиқ ишлатманг. Акс ҳолда зарарли бактериялар билан бирга фойдалилари ҳам қирилиб кетади ва дисбактериоз бошланади. Фитин кислотаси тишнинг қорайиши олдини олади, тош ҳосил бўлиш хавфини камайтиради. Фторид натрий эса тишнинг эмал қатлами тикланишига ёрдам беради, кариеснинг олдини олади.

"Бу паста тишни оқартиради", деган ёзувга ҳам ишонманг. Аслида тишни оқартириш узоқ давом этадиган муолажа бўлиб, у стоматолог-шифокор ёрдамида амалга оширилади. Бунда шифокор тиш эмал қатламини қисман емирадиган кислоталардан фойдаланади. Тиш бу усулда тозаланган-дан сўнг муайян вақт қаҳва, чой ичмаслик, озиқли бўёқлар ишлатилган таомларни емаслик керак, акс ҳолда, тиш тез қораяди. Пасталар эса тишни оқартирмайди, фақат таркибида водород перекиси бўлгани учун чой, қаҳва ичилгани ва тамаки чекилганидан сўнг тишларнинг ташқи томонини ялтиратади. Таркибида оҳак, сода, дикальций фосфат, алюминий, кремний ва бошқа абразивлар бўлган пасталар билан эса тишни ҳафтасига фақат бир мартагина ювиш керак, холос. Акс ҳолда, тишнинг эмал қатлами емирилиб, оғриқли жойлар ҳосил бўлади. Пастанинг абразивлик индексига эътибор беринг: унинг энг юқори даражаси 200 дан ошмаслиги керак.

Тиш чўткалари ҳам доимо мукаммаллашиб бормоқда. Бироқ улар ҳар қанча янгиланмасин, асосий талаблар ўзгармайди: чўтка қаттиқ бўлмаслиги керак. Унинг чўткали қисми қанча ихчам бўлса, оғиз бўшлиғида ҳаракати ҳам шу қадар қулай бўлади. Тиш чўткангиз чўткалари эгиладиган бўлиб қолгач уни, албатта, янгиланг. Яхшиси ҳар уч ойда бошқа чўтка ишлатган маъқул. Кўпчилик паста билан тиш ювaётганда атиги 40 сония вақт сарфлайди, аслида шифокорлар тишни икки дақиқа давомида ювиб тозалашни маслаҳат беради.

"АиФ"дан.

Журналларни варақлаганда

"ТАФАККУР"
2011 йил, 3-сон

"Ўзбекистон Оллоҳнинг назари, меҳри тушган, файз ва барака ато этилган бетакрор заминдир".

"Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдек муқаддас, саждагоҳдек пок ва улуғ бўлмоғи керак".

"Томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урмаган одамдан жасорат кутиб бўлмайди".

"Ўзбек халқи дўпписида сув ташиб бўлса ҳам дарахт кўкартиради".

"Халқимиз фақат жисман эмас, руҳан ҳам уйғоқ бўлмоғи даркор. Руҳ бедорлигига унинг раҳбар-раҳнамолари, олиму зиёлилари, барча фарзандлари масъулдир".

"Бу юртнинг эгаси бор. Бу юртнинг эгаси — заҳматкаш, олижаноб, кўпни кўрган, иродаси мустаҳкам, иймони бутун халқимиздир. Эгаси бор юрт ҳеч қачон душманга оёқости бўлмайди".

"Озодликка фақат курашиб эришилади".

"Ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват олган халқни енгиб бўлмайди".

"Мустақиллик — бу, аввало, ҳуқуқдир".

"Чинакам халқ бўлсак, чинакам миллат бўлсак, улкан қудратли дарёга айланайлик, фарзандларимизга ўзгалар ҳавас қиладиган озод ва обод Ватан қолдирайлик".

Журналнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб чоп этилган янги сони Президент Ислом Каримов маъруза ва нутқларидан олинган ушбу иқтибослар билан очилади.



"Ўзбегим" қасидаси ёзилганидан сўнг менинг шеъриятимга муносабат бироз ўзгариб қолди, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов "Бу обод кунларга етдик соғомон..." сарлавҳали суҳбатида. — У ер-бу ерда шеърларим босилишдан тўхтаган вақтлар ҳам бўлди. Таҳририятларда ўтиргани ўртоқларимга шеърларимни олиб борсам, юқоридан қўнғироқ бўлган шекилли, ҳаммаси ўқиб кўриб, "Берамиз, албатта берамиз", деса-да, турли баҳоналар билан тортмада қолиб кетар эди. Шундай бир вазиятда "Фауст" таржимасига тутиндим. Бу таржима менга ҳам нажот, ҳам мактаб бўлди. Баъзан ўйлаб қоламан: Гёте мактабини кўрмаганимда, "Фауст" баҳона жаҳон адабиётига чуқурроқ кирмаганимда, "Руҳлар исёни" достони пайдо бўлармиди, йўқми? Ахир ғазал ёзган шоир қаёқдаю "Руҳлар исёни"ни ёзган шоир қаёқда! Ўзим ўзимни танимайман ҳозир!".

Журналист Жалолиддин Сафонинг "Миллий манфаатлар масаласига янгича ёндашув" мақоласида минтақа миқёсидаги миллий манфаатларимиз ҳамда глобал таҳдидларнинг янги таҳлилига эътибор қаратилган. Иқтисод фанлари доктори Шерзод Бўтаевнинг "Руҳият сабоқлари" рукнидаги "Кимки комил, бўлмагай ғафлат анга..." сарлавҳали суҳбати инсоний комиллик, етуклик ва оқилона яшаш сирлари, шунингдек, баркамол инсонни тарбиялашнинг назарий ва амалий асосларига бағишланган.

"Тафаккур" муҳлислари ушбу сонда таниқли шоирлар Абдулла Шер ва Қутлибеканинг янги шеърлари, адабиётшунос Ғулом Каримнинг "Олим ва орият" сарлавҳали тарихий ҳикояси, "Навоий соғинчи" рукнида профессор Абдулла Аъзам қаламига мансуб "Ҳайрат" сарлавҳали тадқиқот мақола, Ибн Синонинг "Ат-танбеҳ ва-л-ишорат" асаридан боблар, Йоҳанн Вольфганг Гётенинг адабий-ижтимоий қайдлари ва ҳикматга мойил гапларини мутолаа қилишлари мумкин. Шунингдек, Саидбек Ҳасановнинг "Буюклик тимсоллари", Ҳамидулла Акбаровнинг "Боқий сарчашмалар", Муҳиддин Раҳимнинг "Санъат фалсафаси", Сайди Умировнинг "Жавондаги жавоҳир" рукнидаги мақолалари ҳам қизиқиш билан ўқилади.

"ШАРҚ ЮЛДУЗИ"
2011 йил, 4-сон

Журналнинг ушбу сони энг улуғ, энг азиз байрам — Истиқлолимизнинг йигирма йиллигига бағишланган асарлар билан очилади. Чунончи, ёзувчи Аҳмаджон Мелибоевнинг "Мунаввар туйғулар" мақоласи, Ҳусниддин Шарипов, Омон Матжон, Олимжон Холдор, Абдулҳай Носир ва бир гуруҳ навқирон шоирларнинг ашъорлари мустақиллик мавзусига бағишланган.

"Шеърият" рукнида турли авлодга мансуб шоирларнинг янги туркумлари билан танишасиз. Мирпўлат Мирзо, Эътибор Охунова, Исмоил Тўхтамишев, Кенгисбой Каримов, Муножот Каримжон қизи, Озода Бекмуродова ва Беҳзод Фазлиддиннинг шеърлари истиқлол мушоирасини давом эттирган.

Наср ихлосмандларига ёзувчи Исажон Султон ўзининг янги "Озод" номли романини тақдим этган. Шунингдек, Наби Жалолиддин ва Жўра Фозилнинг ҳикояларини ҳам ушбу сонда ўқийсиз. Жаҳон ҳикоялари хазинасидан берилган О`Генрининг машҳур "Сўнгги япроқ" ҳикоясини аслиятдан Маъруф Абдуллаев таржима қилган.

Журналнинг бу сонида бугунги адабий жараён таҳлилига бағишланган мақолалар, тадқиқотларга кенг ўрин берилган. Чунончи, Қозоқбой Йўлдошевнинг мақоласида бугунги ўзбек романчилигининг ютуқ ва камчиликлари кўрсатилган бўлса, Абдулла Улуғов ва Хуршид Дўстмуҳаммад мақолаларида ҳозирги қиссалар ва ҳикоялар таҳлилига эътибор қаратилган. Исломжон Ёқубов "Ўзбек романининг маънавий руҳий асослари" сарлавҳали тадқиқотида ўзбек романлари қаҳрамонлари тақдири мисолида халқ тақдири қандай ифодаланганини кузатади. Шунингдек, мумтоз ва замонавий адабиётнинг долзарб мавзуларига бағишланган Ҳафиз Абдусаматов, Йўлдош Солижонов, Насиба Бозорова, рус олими Юрий Борев мақолалари билан танишасиз. Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг Шавкат Раҳмон ҳақидаги "Шеърга кўчган шахсият" сарлавҳали ёдномаси, Ашурали Жўраевнинг "Гулқайчи"да берилган ҳажвий монологлари ҳам муштарийлар эътиборини тортиши тайин.

"ЁШЛИК"
2011 йил, 8-сон

Аввало, журналнинг янги сони мундарижасига алоҳида салмоқ бағишлаган асарларни таъкидлаш жоиз. Хусусан, "Адиб хонадонида" рукнида берилган Ҳусниддин Шариповнинг "Тақдир" сарлавҳали мақоласи нафақат шоир ҳаёти ва ижодида катта аҳамият касб этган ибратли воқеаларнинг қизиқарли баёни, балки бу воқеаларнинг адабиётимиз тарихи, қолаверса, бугунги ёш ижодкорлар учун сабоқ бўларли қиммати билан ҳам эътиборга лойиқ. Ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад билан суҳбатда ижод жараёнида кўп тилга олинавермайдиган, аммо адабиётнинг, бадиий ижод табиатининг ички тўлқинларига беихтиёр алоқадор ва ҳамиша долзарб саналадиган муаммолар: ҳаваскорлик ва профессионаллик, сўз маданияти, одоби, бағрикенглик ва холислик хусусида фикр юритилади.

Албатта, журналнинг ушбу сони мазмун-мундарижасини Ғулом Мирзонинг "Шашқатор номалар" ва Ўроз Ҳайдарнинг "Юлдузлар сочилар мисоли маржон" номли янги шеърий туркумлари ҳам бойитган, ранг-баранглик бағишлаган. Жамила Эргашеванинг "Зулфизар" номли қиссаси, Роберт Шеклининг "Шакл" номли фантастик ҳикояси (таржимон: Н.Норқулов), Гўзал Жуманиёзова, Жамила Бонунинг шеърлари, бошловчи қаламкашларнинг назм ва насрдаги машқлари ҳам журналхонлар томонидан қизиқиш билан ўқилади.

Баҳром Рўзимуҳаммаднинг таҳлил ва самимий талқинга асосланган "Керакли бўлиш бахти" мақоласи, Шоира Дониёрованинг "Янги талқинлар" сарлавҳали тадқиқоти, Абдулла Аҳмаднинг "Исмини бошқа қўймоқчи" номли ҳажвияси билан ҳам ушбу сонда танишасиз.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги жамоаси Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуд Намозовга отаси

Алмат НАМОЗОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Республика ёш томошабинлар театри жамоаси театрнинг саҳналаштирувчи рассоми Евгения Бисеровага онаси

Наталья БИСЕРОВАнинг

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги жамоаси Халқ ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси С.Ҳакимовага онаси

Севара ШОАЗИЗОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 233-49-93 uzas@b2c.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41 уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.18

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 5076 Буюртма Г — 944. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН